



**O`zbekiston Respublikasi
Oliy va O`rta Maxsus Ta`lim Vazirligi
Buxoro Davlat universiteti
Ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti**



АЙМАТОВА ЗАРНИГОР

**Mavzu: “ЎРТА ОСИЁДА ДИНИЙ СИЁСАТ ВА ҲАЖ ЗИЁРАТИ
ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (19-20 АСРЛАР)”**

**MAGISTR AKADEMIK DARAJASINI OLISH UCHUN
YOZILGAN DISSERTATSIYA**

Ilmiy rahbar: _____

professor : Hayitov Sh.A

Himoya sanasi:

D.A.K.ning bahosi

«_____» 2015 – yil

D.A.K.ning xulosasi_____

Buxoro – 2015.

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида тарихни объектив ва холисона ўрганиш, Россия империяси муштамлакаси, совет муштабид тузуми даврларини янгидан тадқиқ қилиш, жумладан “ Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”ни ўрганиш борасида бир қатор илмий ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, тарихий изланишлар тизимида “XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиё” мавзусига қизиқишлар доираси кенглиги яққол қўзга ташланади. Маълумки ушбу минтақа халқлари ҳаётида, аҳолининг кундалик маънавий – маърифий турмуш тарзида ислом омилининг роли беқиёс, яъни миллий қадриятлар ва урф – одатлар ислом маънавияти билан уйғунлашиб кетган. Айни пайтда дин ижтимоий – сиёсий фикр ривожига ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол. Ушбу тарихий ҳақиқатдан келиб чиқиб, истиқлол йилларида халқимизга ҳақиқий маънодаги виждон эркинлиги берилди. Ислом қадриятлари ва диний уламоларимизнинг муборақ номлари халқимизга қайтарилди. Диний уламоларимизнинг мақбара ва қабрлари муқаддас қадамжоларга айлантирилди. Диний қадриятларга сарчашмаларимиздан бири сифатида қараш психологияси юртдошларимизда шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзларининг кўплаб асар ва нутқларида ислом маданияти маънавиятимизнинг муҳим сарчашмаларидан бири эканлиги, жамият, дин одамларни меҳр – муҳаббатли ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват қилишини таъкидлайдилар. Президент, жумладан, : “Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф – одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим”¹ - деб қайд қиладилар.

Мазкур мавзу долзарблиги шундаки, айрим илмий мақолаларни инобатга олмаганда, ҳанузгача Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. – Б. 36.

алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Россия империяси (1867 – 1917йй), совет ҳокимияти (1917-1991 йй), мустақиллик йилларида Ўрта Осиё (Ўзбекистон) мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари бўлган Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати, бу даврларда бу жараёнга ҳукуматларнинг муносабати масалалари қиёсий таҳлил қилинган яхлит мустақил тадқиқотнинг мавжуд эмаслиги мавзу долзарблигини оширади. Ҳаж зиёрати мусулмончилик фарзларидан бири бўлиб, моддий жиҳатдан таъминланган, соғлиғи жойида бўлган, оиласи тинч ва фаровон, бенуқсон яшаётган кишилар мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати учун йўлга чиққанлар. Ҳаж зиёрати ўрта асрларда пиёда, от, хачир, туя каби транспорт воситалари ролини бажарувчи ишчи ҳайвонлар ёрдамида амалга оширилган. Кейинчалик зиёратчилар темир йўл, сув транспорти (поезд, пароход,), XX асрга келиб ҳаво лайнерлари (самолётлар) каби замонавий транспортлардан фойдаланиб зиёрат манзилларига етиб борганлар ва ватанларига “ҳожилар” мартабасига эришиб қайтганлар. Ҳаж зиёрати адо этилишига ҳукуматларнинг муносабати бир хил бўлмай, Туркистон минтақасида бу жараён доимий ўзгариб, баъзан ижобий, баъзан салбий ҳолатлар қайд этилади. Бундай муносабат хилма –хиллигининг сабаб ва омиллари ушбу магистрик диссертациясида таҳлил қилинишга эътибор қаратилганлиги билан ҳам мавзунинг долзарблигини оширади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ушбу диссертацияда бир қатор тарихий адабиётлар ва журнал тўпламлардаги илмий мақолаларга таяниб иш кўрилди. Биз фойдаланган манба ва адабиётларни шартли равишда бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ўзбекистон олимлари томонидан чоп этилган мақола ва ишлар
2. Даврий матбуотда чоп этилган маълумотлар
3. Интернет маълумотлари
4. Чет элда чоп этилган адабиётлар

Ўзбекистонлик тарихчи олимлардан Д.А.Алимова, С.Шодмонова, Н.Маҳкамова, А.Эгамназаров, Ш.Б.Муҳаммедов, Ш.Б. Ҳақимов,

Ш.А.Ҳайитов, С.Бадриддинов, Сайид Мансур Олимий Ш.Маҳмудов кабиларнинг¹ асар ва мақолаларидан кенг фойдаланилди. Ушбу муаллифларнинг асарларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати, унинг йўл ва йўналишлари, ҳаж зиёратининг мусулмонлар ҳаётидаги ўрни ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Диссертацияни ёзишда XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистонда чоп этилган “Туркестанские ведомости”, “Окраина”, “Туркистон вилоятининг газети” кабилардаги мақолалардан фойдаланилди².

Чет эллик олим Е. Григорьевнинг китобида ҳамда Д.Брауэр мақоласида³ мавзуга оид келтирилган далил ва рақамлар диссертацияни материаллар билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тарихий адабиётлар ва манбалардаги маълумотлардан фойдаланилди ҳамда тегишли илмий хулосаларга келинди. Диссертация мазмунини материаллар билан тўлдиришда интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари: Ушбу магистрлик диссертациясида Марказий Осиё мусулмонларининг уч тарихий босқичда, яъни Россия империяси мустамлакаси йилларида, Совет мустабид тузуми даврида ва мустақиллик йилларида муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати масалалари қиёсий таҳлил қилиниб, ўрганиш мақсади кўзланди.

¹ Алимова Д.А. Шодмонова С. Ш. Истории паломничества мусульман Центральной Азии в Мекку (конец XIX – начало XXI вв.) // Ўзбекистон тарихи; 2011. - №1. – Б.49 – 61. Маҳкамова Н. Ислам и власть (20 – е гг. XX в)//Общественные минении, права человека; 2006. № 1. С.146 – 149 Шу муаллиф. Роль мусульманского духовенства в социальной жизни Туркестанского края (конец XIX – начало XXI века.) // Ўзбекистон тарихи Б. 15 – 25. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. – Т.: Шарқ; 1994. - 94 бет. Мухамедов Ш.Б. Государство и ислам в Туркестанском генерал – губернаторстве // БухДУ Илмий ахбороти.; 2012. - № 3. С. 46 – 49; Ҳайитов Ш.А. Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. Бухоро: “Бухоро” нашриёти; 2005. – 188 бет. Ҳайитов Ш.А. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати даврида Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати // Из истории культурного наследия Бухары (10 выпуск; Бухара-2006; - С. 89 – 95; Маҳмудов Ш. Қўкон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир архив ҳужжатлари//Турон тарихи(ижтимоий-тарихий, илмий ва илмий оммабоп тўплам)Тошкент;2012.-№2-3.-Б. 38-42.

² Возвращение поломиников // Окраина; 1897. – № 21,-Стр 3; Организация поломинического движения и грядущая опасность //. “Туркестанские ведомости”. 1910. - № 215. Стр,12; Шумилов В. Поломиничество мусульман // Там же; 1913. - № 28. Стр 2.

³ Grigorov E Russian muslim. Pieadik; 2008. – Р.46. Брауэрд Д. Маккага йўл // Турон (Илмий оммабоп тўплам) 1993 йил май. –Б. 29-31.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ўз олдимга қуйидаги аниқ вазифаларни қўйдим.

- Ўрта Осиё мусулмонларининг ижтимоий - маънавий ҳаётида ҳаж зиёратининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш.

- Туркистон минтақасидан турли тарихий босқичларда ҳаж зиёратига элтувчи йўللار ва уларнинг тармоқ ҳамда йўналишлари ҳақида маълумотлар бериш.

- Россия империяси мустамлакаси йилларида (1867-1917йй.) минтақада мусулмон зиёратчиларга муносабат масалаларини очиб бериш.

- Империя мустамлака сиёсатида ислом динига муносабат ва ҳаж зиёратига таъсир масалаларини тадқиқ қилиш.

- Совет ҳокимияти йилларида динга қарши мафкуравий кураш, мусулмон зиёратчиларга муносабатнинг спиралсимон, тўлқинсимон тарзда ўзгариб туриш сабабларини таҳлил қилиш.

- Истиқлол йилларида ҳақиқий маънодаги виждон эркинлигининг тикланиши ва диний сиёсатга тасниф бериш.

- Ўзбекистон истиқлоли ва мусулмонларнинг ҳаж зиёрати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг ҳақиқий маънодаги виждон эркинлигига эргашганлигини кўрсатиш.

Диссертациянинг илмий-назарий янгилиги: Мазкур магистрлик диссертациясида уч тарихий даврда: Россия империяси мустамлакаси йилларида, совет мустабид тузуми даврида ва мустақилликнинг ортда қолган даврида Ўзбекистон (Марказий Осиё) мусулмонларининг муборак ҳаж сафари билан боғлиқ тарихий жараёнлар битта тадқиқот доирасида қиёсий асосда илмий ўрганилиши ишнинг илмий-назарий янгилиги ҳисобланади. Шунингдек, Марказий Осиё мусулмонларининг Макка ва Мадинага зиёратлари билан боғлиқ турли даврларда қабул қилинган қоида ва низомлар, йўл вариантлари, сипиралсимон диний сиёсат туфайли рўй берган ўзгаришлар кабилар далил ва рақамлар орқали очиб берилганлиги ҳам

диссертация янгилигидан далолат беради. Мусулмонларининг ҳаж зиёрати жараёнида рўй берган воқеалар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга таъсир масалалари, минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ омиллар ҳақида фикр юритилганлиги ҳам ишнинг янгилиги бўла олади.

Диссертациянинг назарий-методологик асоси: Диссертацияда истиқлол йилларида шаклланган миллий истиқлол мафкураси, миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар ҳамда диний толерантлик (бағрикенглик) тамойиллари асосида иш кўриб ёндашилди. Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқ ва асарларида илгари сурилган фикр ва ғоялар ташкил этди. Президентимизнинг истиқлол ва тарихий тадқиқотлар методини ёритиб беришга қаратилган кўрсатмалари, тарихий хотиранинг аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар контекстида иш кўрилди. Диссертацияда тарихий изланишлар олиб боришнинг тарихийлик, объективлик, ҳолисоналик, тизимлилик, қиёсийлик каби методларидан кенг фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти: Диссертация Марказий Осиёда ислом маънавияти ва мусулмон аҳоли ўртасида диний қадриятлар қайдаражада ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиши билан муҳимдир. Тадқиқотда тўпланган материаллар, унда келтирилган далил ва рақамлар Ўрта Осиё халқлари тарихини, Шарқ мамлакатлари билан ўзаро диний–маданий алоқалар динамикасини ўрганиш учун ҳам илмий-амалий аҳамиятга эга. Диссертация материалларидан Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихига оид фундаментал тадқиқотлар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг жорийланиши: Магистрлик диссертацияси юзасидан Бухоро давлат университети томонидан ҳар йили бир бор ўтказиладиган анъанавий илмий–назарий анжуманларда (2013-2014;2014-2015йй) маърузалар қилинган. Шунингдек, битта та рисола “Марказий Осиё мусулмонларининг муборак ҳаж сафари тарих ва бугун” (муаллифдошлик асосида) , уч та илмий мақола чоп этилган бўлиб улар қуйидагича номланади

“Бухороликларнинг хориждаги мулклари ва ворисийлик ҳуқуқи масаласига доир” (XIX аср охири XX асрнинг бошлари), “Совет ҳокимиятининг диний сиёсати (муаммонинг тарихшунослиги)”, “Марказий Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати: расмий қоидалар ва йўл тармоқлари (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)”. Диссертация материаллари асосида Бухор шаҳар ўрта ва ўрта махсус ўқув юртларида хусусан Бухоро шаҳар 14-сон ўқувчиларига маънавий – маърифий тадбирлар ўтказилган ва тегишли натижалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб , хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан, илова қисмлардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 81 варақни ташкил этади.

I Боб. XIX аср охири XX- аср бошларида Ўрта Осиё аҳолисининг ҳаж зиёрати

I.1 Ҳаж зиёрати ва уни адо этишнинг қоидалари

Муборак ҳаж сафарига жўнашдан бир кун аввал барчага эҳромлар берилади. Раҳбарлик, раҳнамолик қилиб кетаётган аҳли илмлар эҳром боғлашнинг тартиб ва қоидалари ҳақида баён қилиб, бўлажак ҳожиларга тушунтиришади. Яъни “Эҳром”,- ҳаж қилувчининг махсус кийими. У иккита тикилмаган оқ матодан иборат бўлиб, бири белдан пастга ўраб боғланади. Иккинчидан эса ўнг елкани очиб, ташлаб олинади. Тавофдан бошқа пайтда иккинчи елкани ҳам беркитиб юрса бўлаверади. Бошга эса ҳеч нарса кийилмайди. Тикилган кийим-кечак кийиш мумкин эмас. Эҳром кийгач, жанжал қилиш, бировнинг кўнглига озор бериш, ҳатто, ҳашоротни ўлдириш ҳам ножойиз. Эҳром кийган киши то ким уни устидан ечгунча, худди намозга кирган мўъминдек ибодатда ҳисобланади. Икки ракат намоз ўқиб, эҳром кийган ҳожилар “Лаббайка Оллаҳумма лаббайка, лаббайка ла шарика лака лаббайк, иннал ҳамда ваннеъмата лака вал мулк, ла шарика лак”, яъни ҳузурингда ҳозирдурман, эй Аллоҳ, ҳозирдурман! Сенинг шеригинг йўқдир. Подшоҳлик сенга хосдир. Сенга шерик йўқдир”,-деб талбия айтилади. Бу, Иброҳим алайҳиссаломнинг “Аллоҳнинг уйига зиёратга келинглари”, деган даъватига ҳожиларнинг жавоб тариқасида қилган нидолари экан.¹

Саҳарда бомдод намозини қавм бўлиб адо этиб, ғусул қилгач, йўлга чиқилади. Аввалда шу тартибни бузиб юборишган эди. Ҳатто, улар Аллоҳ таоло бизларни кийим-бош билан яратмаган, деб Каъбатуллоҳни яланғоч ҳолда тавоф қилишарди. Албатта, булар хурофотдан, жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Қурайиш қабиласи ҳам бошқа қабилалардан ўзини ортиқ олиб, Арофотда алоҳида жойдан қайтар эди. Бундай айирмачиликни Аллоҳ таоло жамики мусулмонларни бир мақсад сари йўналтириб, уларга Байтуллоҳни зиёрат қилишни ва ўша томонга қараб намоз ўқишни буюрди.²

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари.- Т.: Камалак;1991.-Б62.

² Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Ўша асар.- Б.63.

Саудия Арабистони пойтахти Жидда шаҳри божхонасида юкларни синчиклаб кўздан кечиришади. Уч миллион нафар киши жаъм бўладиган бу жойга қурол ёки “қора оғу” олиб келиш қатъий маън қилинган. Саудия Арабистони подшоҳи фармонида кўра “қора дори” билан қўлга тушган одам ўлим жазосига маҳкум этилишини ўша ерда эшиттиришади. Ҳожиликни ихтиёр қилганлардан бири шундай эслайди. “Тайёрадан (самолёт) тушганимизда, Саудия Арабистони вақти билан соат тунги иккилар эди. Лекин юзлаб чироқлар Жидда кўналғасини худди кундузгидек ёритиб турибди. Ҳарорат эса 50-55 даража иссиқ. Ҳароратнинг юқорилиги туфайли юзага келган беҳаловатлик кўпга чўзилмади. Юкларимиз билан бизларга ажратилган, совутгичлар билан таъминланган хонага кирганимизда, таналаримиз яйради. Кўналғада бизларни муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари (ҳозирда марҳум) кутиб олиб, Саудия Арабистони ҳудудига қадам қўйганимиз билан муборакбод этдилар. Биз кўналға хизматчиларига Туркистондан олган анвойи гулларни тақдим этганимизда улар ниҳоятда хурсанд бўлишиб, қайта–қайта миннадорчилик билдиришди. Шунингдек, Зокиржон ака (ҳаж зиёратчиларидан бири) олиб келган 1000 нусха “Ислом нури” ярим ойлик диний-ижтимоий жарида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди”.¹

Ҳужжатларни расмийлаштиришга доир ишлари тугаганидан сўнг. Марказий Осиё мусулмонларининг зангор байроқлари остида туркистонлик ҳожилари учун аталган автобусларга чиқиб, Маккаи Мукаррамага йўл олинади. “10-15 минутлар чамаси йўл босиб, ҳожилар тўхтаб ўтадиган кенгрок майдонга етиб келганимизда Миён Фазл Мақсуд, Муҳаммад Юсуфхон, Абдулҳаким Халифа, Ҳасан қорилар раҳнамолигидаги юзлаб ватандошларимиз² бизларнинг келишимизни орзиқиб, интизорлик билан кутиб туришган экан. Улар билан қучоқлашиб, йиғлашиб кўришдик. Юртдошларимиз оби-зам-зам сувларини тутиб, “нега кечикиб келдиларинг, 5

¹ Жамол Камол. Маккайи- Муккарама Мадинайи- Мунаввара- Т.:1992-Б.10.

² Бу ўринда Саудия Арабистонидаги ўзбек муҳожирлари ҳақида фирк юритилляпти.

кундан буён йўллариингга кўзларимиз тўрт эди. Нима воқеа содир бўлдикин, туркистонликларнинг ҳажга боришлари учун рухсат берилгани ёлғонмикин (1990 йил) деган ўй-хаёлларга бориб, юрак-бағримиз эзилиб турган эди”, деган сўзларни айтиб йиғлашар, шундай кунларга етказгани учун Аллоҳга қайта-қайта шукроналар қилишарди”¹ – деб эслайди бир ватандошимиз.

Жидда билан Макка шаҳри ўртасидаги масофа 80 километр. Байтуллоҳ қарор топган бу муқаддас жойга яқинлашаётганда тоғ ён бағирларига катта-катта ҳарфлар билан “Аллоҳу акбар, субҳонолло, алҳамдулло” деган калималар битилганини ўқиб, қалблар ларзага келади. Шунда ҳожилар “Лаббайка олаҳумма лаббайк”ни бараварига такрор-такрор айтиб, Аллоҳнинг ҳузурига ҳозир эканликларини билдирадилар.²

Ниҳоят, Ҳарами Шарифнинг (Байтуллоҳ атрофидаги бинолари билан бирга ҳарам дейилади) салобатли миноралари бирин-кетин кўзга ташлана бошлайди. “Биз оҳисталик билан Маккаи-Мукаррама кўчаларига кириб борётганимизда арабий тилда морожаат қилинди. Биз унинг Туркистон, ҳожи деган сўзларидан, сизлар туркистонлик ҳожилармисизлар, дея сўраётганини тушундик. Шу пайт араб тилини биладиган Охун ака бу киши туркистонлик ҳожиларни бошқариб юрувчилари яъни мутовитлардан бири эканлигини тушунтирди. Шунда ҳаммамиз хурсанд бўлиб “Лоилаҳа иллалоҳу муҳаммадин расулуллоҳ Ашҳадуанла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаддунна муҳаммадин абдуҳу варасулуҳ” калималарини баланд овозда уч марта айтиб, “Лаббайка олаҳумма лаббайк”ни қайта-қайта такрорладик. Мутовид эса “Муборак, муборак, марҳабо туркистонликлар”, деган сўзларни айтиб, ҳожилар учун ҳозирлаб қўйилган истиқоматгоҳларга бошлаб борди. У ерда ҳам юзлаб юртдошларимиз бизларни кутиб туришганининг гувоҳи бўлдик. Улар 19 июнь куни (1990 йил) Жидда шаҳрида ошларни дамлаб, кунибўйи кўз тутишганини айтишганида туркистонлик юртдошларимизнинг

¹ Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.30.

² Брауэр Даниэл. Ўша мақола.-Б.12.

ҳимматидан, меҳр-оқибатидан кўзларимизга ёш келди.”- деб эслайди ҳозирда марҳум Насруллоҳон ҳожи¹.

Туркистонлик ҳожилар асосан саудиялик ўзбекларнинг такяхоналарида (мусофирхона) туришади. Бу такялар 1930- йилларда Маккаи-Мукаррамага паноҳ истаб келган андижонлик, қўқонлик, чуствлик бойлар томонидан барпо этилган. Улар Байтуллоҳни тавоф этиш, ҳаж қилиш ниятида келган ҳамюртларимиз сарсон бўлишмасин, шу ерларда туриб ҳаж арконларини адо этишсин, деган ниятда бу ғарбхоналарни қуришган. Лекин, таассуфки 60 йил бадалида туркистонлик биродарларга бу ерларда туриб, ҳаж қилиш насиб этмади. Бу истиқоматгоҳларнинг барпо этган ватандошларимиз армон билан дунёдан ўтишди. Бироқ, Аллоҳга беадад шукурки, ёруғ кунлар келиб, мана шу такяларда бугун туркистонлик ҳожилар туришибди. Албатта, бу биноларни холис ният билан, савоб учун қуриб кетган ҳамюртларимизнинг руҳлари шу бугун шод бўлгандир.

Бу такяларда Ўзбекистон истиқлолга эришгунча ҳар йили бошқа мусулмон мамлакатларидан келган ҳожилар туришарди. Лекин такялардан тушадиган даромадларнинг бирор риёли ҳам бошқа нарсаларга ишлатилмайди. Фақат биноларни таъмирлаш, жиҳозларини янгилаш ишларига сарфланади. Байтуллоҳни тавоф қилиш, суннат ҳажини адо этиш учун Ҳарами Шарифга йўл олинади.

Юз минглаб ҳожилар юрган Макка шаҳри кўчаларидан “Лаббайка олахумма лаббайк”ни баланд овозда баробар айтиб, борилади. Тошкентда бўлиб ўтган суҳбатларда бўлажак ҳожиларга диний аҳли илмлар Байтуллоҳ қарор топган муқаддас жойга 40 та эшикдан кириб борилади, деб маълумотлар беришади. Ҳарами Шарифга яқинлашаётганда қайси эшикдан қадам ранжида қилар экан, деган фикр ҳар бир ҳожининг хаёлидан ўтади. Пайғамбар дарвозаларга рўбарў турган қирқинчи эшикдан Расулаллоҳ ҳамиша Каъбатуллоҳни мана шу эшикдан кириб, тавоф қилар эканлар.²

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари.- Т.: Камалак;1991.-Б.64-65.

² Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги.- Бухоро: “Бухоро”;2004.-Б.100.

Байтуллоҳга кираверишда икки нафар эркак ва икки нафар аёл соқчилар текшириб, ножойиз нарсалар бўлса олиб қўйишади. Аллоҳнинг марҳамати билан назоратчилар ҳам туркистонлик ҳожиларга ишонч билдириб, иззат-хурмат кўрсатишади. Марҳабо, туркистонликлар марҳабо, деган сўзлар билан муборакбод этиб, қарши олишди. Пойафзаллар ечилиб ҳар қандай ножойиз ҳаркатлар ҳаром қилинган мукаддас ҳарамга қадам қўйилади.

“Байтуллоҳни тавоф қилиш пайтидаги ҳолатларни баён этишга тил лол, қалам ожиз. 120 та давлатдан келган аҳли мусулмонларнинг барчаси бир хил оқ либосда. Ҳар йили Маккаи-Муккарамага келадиган ҳожиларнинг 30-40 фоизини муслималар ташкил қилар экан.¹ Лекин ҳеч кимнинг қўнглидан заррача ношаърий ўй-хаёл кечмайди. Ҳамманинг дилида, тилида ёлғиз Аллоҳнинг зикри-ёди. Муслим, муслималар кечасиё кундузи фақат тоату ибодат билан машғул”-деб эслайди ҳожилардан бири.

Ҳарами-Шарифнинг майдони 12 гектар бўлиб, очиқ саҳнига ёппасига оппоқ мармар ётқизилган. Ҳавонинг ҳарорати 55-60 даража иссиқ бўлсада, лекин мармар остига ўрнитилган совутгичларнинг шарофати туфайли оёқларнинг кафтлари озор топмайди.

“Ҳарами-Шарифга кириб борар эканмиз, беш-олти юз минг ҳожи Байтуллоҳни айланиб, тавоф қилишаётганининг гувоҳи бўлдик. Бемор ёки юришга дармони йўқ кишиларни кажаваларга ўтқазиб, елкаларига кўтариб тавоф қилдиришаётганини кўрдик. Ирқу-миллати, рангу-рўйи, наслу-насаби ҳар хил, лекин дину-диёнати бир бўлган бу кишилар “Лаббайка олаҳумма лаббайк”ни бир тану бир жон бўлиб айтишаётганини эшитганимизда Аллоҳнинг қудратига қайта-қайта имон келтирдик.”-дейди ватандошлардан бири².

Юз минглаб ҳожилар ҳамсафлигида, ҳамнафаслигида талбия айтиб, Ҳажарул асвод ёнидан, чапдан ўнгга қараб, етти маротаба айланиб, яъни, тавоф қилинади, бу фоний дунёнинг барча ҳою- ҳаваслари ўткинчилиги дил-

¹ Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги.- Бухоро: “Бухоро”;2004.-Б.124.

² Жамол Камол. Маккайи- Муккарама Мадинайи- Мунаввара- Т.:1992-Б.19.

дилидан ҳис этилади. Ҳар айланиш чоғи, Ҳаржарул асвод рўбарўсига келинганда қўлларини кўтариб, “Бисмиллоҳу Оллоҳу Акбар” дея илгини ўпганида, кўзларидан оқаётган шашкатор ёшлар ҳожиларнинг юзларини ювади. Бу беш кунлик ўткинчи дунёни деб, Аллоҳнинг фарз ва суннатларини вақтида адо этолмагани учун пушаймонликда йиғланган.

Ҳожилар Байтуллоҳни тавоф этаётганида, ҳар беш-ўн қадам оби зам-зам тўлдирилган катта сувдонлар турганлиги уларга пешма-пеш музлар келтириб солинаётгани, бу идишлардан бир марта ишлатиладиган паймоналарда қайта-қайта сув ичишади. Ҳожиларнинг одоби, бир-бирларига кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромлари жойида бўлиши керак. Тавоф маҳали, беихтиёр, сал туртиниб кетишса, елкаларни силаб, сўнг қўлларни ўпиб, “ҳажи, ҳажи” дея ҳокисорлик билан кечирим сўрашади.¹

Тавофни тугатиб, “Мақоми Иброҳим” да икки ракат намоз ўқилади. “Мақоми Иброҳим” – Иброҳим алайҳиссаломнинг Байтуллоҳни қурган чоғларида турган ерлари экан. Оёқларининг изи тушган тошни (шишадан ғилоф қилиб, олтин панжара билан ўраб қўйишган), Биби ҳожар онамиз Сафо ва Марва тоғлари орасида ўғиллари Исмоилга сув ахтариб югураётган вақтларида Аллоҳнинг қудрати билан Исмоилнинг оёқлари остидан отилиб чиққан зам-зам булоғи сувидан тўйиб ичилади.

Сафо тепалигига чиқиб, Каъба томонга қараб дуо қилинади ва Марва тарафга юрилади. Саҳобалар билан одамларни ҳақ йўлига, дини исломга тарғиб қилаётган Расулаллоҳ Маккаи-Мукаррамага келганларида толиқиб, ҳолдан тойган эканлар. Лекин пайғамбаримиз Саллаллоҳу алайҳи вассаллам мункирларнинг қаршисида ўзимизни ожиз кўрсатмайлик, деб Сафо ва Марва тоғлари орасидаги маълум бир масофани шахдамлик билан саҳобалар ҳамроҳлигида югуриб ўтишган экан. Ҳожилар ҳам Расулаллоҳ югурган масофада – белгилаб қўйилган иккита кўк чизикнинг орасидан югуриб ўтишади. Қолган масофада эса секин юриб Марвага борилди. У ерда ҳам қиблага қараб дуо қилинади. Сўнг қайтиб, яна Сафо томон юрилади. Сафо ва

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари. - Т.: Камалак; 1991. - Б.94-95.

Марва орасида етти маротаба юрилганидан сўнг, Марвада тўхтаб, сочлар калталанади.¹

Юқоридаги амалларни бажариб, суннат ҳажми адо этилганидан сўнг, Ҳарами-Шарифдан чиқилади. Ҳарами Шариф ташқарисидаги кенг майдонда юрган ҳожилар, уларнинг ҳаракатлари киши қалбини ларзага келтиради. Кимдир зам-зам сувларини олиб келиб, идишларга қуяди. Кимдир омонатини топшириш лозим бўлса минг марта ҳозир эканлигини билдириб, сафар қондасига кўра, олган кафанликларини зам-зам сувларига пишиб яна қуритади. Ҳожилар олган кафанликларни зам-зам сувларига чайқаб, офтобда қуритади. Сўнгра Мино ва Арафат тавоф қилинади.

Муздалифада шом билан хуфтон намозини хуфтоннинг вақтида ўқилади. Бу водийда бир муддат тунамоқ суннат экан. Кеч соат 2 дан саҳар 4 гача Муздалифада майда-майда тошлардан иборат ерда ухланади. Сўнгра, шайтонга тош отмоқлик учун ҳар бир киши 49 тадан майда тош теради. Илгари “шунча одамга қаердан тош етказиб бўлар экан”,-деб ўйлашган. Лекин бу ерда бутун дунё одамлари терса ҳам етарли тош бор.²

Тонгга яқин Муздалифадан яна Минога қайтиб келинади. Шунда муфтий ҳазратлари мўйсафид ва аёлларга Маккага қайтишга руҳсат бериб, терган тошларини ҳамюртлари ўзлариникига қўшиб отишса ҳам жойиз бўлишини айтишди. Бу таклиф ёши улуғ, йўлда толиққан ҳожиларга маъқул тушади, албатта.

Шайтоннинг рамзи тикка қилинган жойга тоғни айланиб ўтиш ҳам мумкин. Бу, тахминан 1,5километр масофани эгаллайди. Шунингдек, ҳожиларга қулайлик яратиш, масофани қисқартириш мақсадида тоғни ўйиб, ҳавони алмаштириб турувчи махсус қурилмалар ажратилган.

Тоғ ости йўлидан чиқиб, ҳайитнинг биринчи кунини тошдан қилинган шайтоннинг катта рамзига тошни бош бармоқ устига қўйилиб, “Бисмиллоҳи тарғиманил иш- шайтон” деб етти дона тош отилади.³

¹ Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.49.

² Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.50.

³ Жамол Камол. Маккайи- Муккарама Мадинайи- Мунаввара- Т.:1992-Б.10.

Байтуллоҳни барпо этган Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан ўғиллари Исмоилни қурбонлик қилиш учун олиб кетаётганларида шайтони лаъин одам суратида пайдо бўлиб, у кишини йўлдан қайтармоқчи экан. Шунда Иброҳим алайҳиссалом шайтонни лаънатлаб, унга етти марта тош отган эканлар. Ҳожилар ҳам тош отиш билан инсониятни ҳамиша йўлдан оздиришга ҳаракат қиладиган, қабоҳату разолатга бошлайдиган шайтонга ўзларининг нафратларини, норозиликларини билдирадилар.

Ҳар йили Арафа куни ҳожилар Арофатга жўнаб, Маккаи-Муккарамадан одам сийраклашганда Байтуллоҳнинг устига ёпилган қора бахмал – Каъбапўш янгиланар экан. Биз Ҳарами Шарифга тавофу ифоза қилиш учун қадам қўйганимизда, Байтуллоҳга кийгизилган янги Каъбапўш жилованиб, товланиб турарди. Унга сепилган муаттар, хуш бўйдан ҳаммамиз сархуш бўлдик¹-деб ёзганди Нурилахон ҳожи.

Байтуллоҳдан ечиб олинган Каъбапўш эса бир парчадан тақсим қилинар экан. Миnodан қайтган кунлари ҳожиларга Робитатул Исломияда хизмат қиладиган ҳамюртимиз, асли андижонлик бўлган Раҳматулло Туркистоний Каъбапўшдан бир парчасини табаррук деб туркистонликларга берган.

“Менинг ҳам муборак сафарга боришим аниқ бўлган кунларда Абдулҳаким Халифа оилам номига ҳожибадал қилишим ҳам мумкинлигини айтиб, бунинг тартиб-қоидаларини тушунтирган эдилар. Шу боис, уйдан чиқаётганимда сафар қоидасига мувофиқ, оиламга ҳожибадал қилиш учун ният қилган эдим. Маккаи-Муккарамага келиб тушган кунимиз Миён Фазл Мақсуд ўша ерлик ҳожилардан бирининг хонадонига мени бошлаб бордилар. Мен оилам номига ҳожибадал қилиш ниятида эканлигимни айтиб, у кишига 850 риёл бердим. Шундан сўнг, ҳожи амаки тўрт кун мобайнида оилам номидан биз билан бирга ҳаж арконларини адо этдилар. Маккага қайтиб келган кунимиз оиламнинг ҳожи она бўлганликларини тасдиқловчи, 2 та

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари. - Т.: Камалак; 1991. - Б. 102.

гувоҳ иштирокида муҳрланган васиқани ҳам олишга муваффақ бўлдим.”- деб хотиралайди Нуруллоҳон ҳожи.¹

Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазизнинг эътиборли унвони “Ходим-ул Харамайн” бўлиб бу икки харам – Макка ва Мадинадаги ибодатхоналарнинг хизматкори, ҳимоячиси деган маънони англатар экан. Муҳожир юртдошларимиз мамлакат фуқароларининг ўртасида подшоҳнинг ҳурмат – эътибори ниҳоятда баланд эканлигини айтишди. Фаҳд ибн Абдулазиз ҳафтада икки маротаба аҳли мусулмон вакиллари қабул қилиб, муаммоларни арқони давлат билан маслаҳатлашиб, адолатли ҳал қилади.²

Албатта, жинойт ҳатти-ҳаракатлар билан қўлга тушган киши шариат аҳкоми бўйича жазога тортилади. Чунончи, ўғрилиқ қилиб қўлга тушган одамнинг қўлини кесадилар. Қасддан одам ўлдирган қотил ўлим жазосига маҳкум этилиб, ҳукм фуқаролар кўзи олдида намойишкорона ижро этилади. Шариат аҳкоми бўйича фоҳишалик қилган аёл ҳам олий жазога маҳкумдир. Подшоҳнинг фармонида кўра, хорижий мусулмон давлатларидан ҳаж қилиш учун келган кишилардан кимдир ҳар қандай жинойт билан қўлга тушган тақдирда ҳам ҳибсда сақланмайди. Жинойтчи ислом лашкарларининг назоратида ҳаж арқонларини адо этиб, ҳожи бўлгандан кейин шариат ҳукми бўйича жазосини олади.

Жинойтчиларга нисбатан кўриладиган юқоридаги каби жазо чоралари ўқувчиларга ўта шавқатсизликдек туюлар. Бироқ бир ярим миллион аҳоли истиқомат қиладиган Жидда шаҳрида йил давомида 10-12 та жинойт содир бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, шариат аҳкоми асосидаги қаттиққўллик жойизга ўхшайди.³

Макканинг асосий кўчаларида Япония ва Амриқода ишлаб чиқарилган енгил машина ва автобусларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Йўллар серкатнов. Бироқ ҳайдовчиларнинг моҳирлиги, автомобиль ҳаракатларини

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Ўша жойда.

² Жамол Камол. Маккайи- Муккарама Мадинайи- Мунаввара- Т.:1992-Б.15.

³ Жамол Камол. Ўша асар.-Б.23.

назорат қилувчи ходимларнинг хушёрлиги натижасида кўнгилсиз ҳодисалар ниҳоятда кам содир бўлади. Агар транспорт ҳодисаси оқибатида йўловчи меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса ёки ҳаётдан кўз юмса, жабрдийданинг оиласини моддий жиҳатдан бир умр таъминлаш автомобиль эгаси зиммасида бўлади.

Мамлакатда билим олиш бепул. Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари Япония, Америка, Германи яда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналарга эга. Ўқувчиларни мактабга олиб бориб келиш учун автобуслар ажратилган. Албатта, қизлар алоҳида мактабларда ўқишади. Талабаларга бошланғич синфларда асосан диний илмдан сабоқ берилади. Юқори синфларга ўтганда дунёвий билимлардан ҳам яхши хабардор бўладилар.¹

Саудия Арабистонида турли мутахассислар, хилма-хил касб эгаларини таёрлайдиган олийгоҳлар, дорилфунунлар кўп. Бу билим даргоҳларида таҳсил оладиган талабаларнинг ҳар бирига ойига 2 минг риёлгача маош тўланади. Талабаларнинг аксарияти охири бир-икки йилни хорижий мамлакатларнинг олий билим даргоҳларида ўтказиб, у ерлардаги олимлар, профессорлардан ҳам ўз мутахассисликлари бўйича таҳсил оладилар.

Саудия Арабистонида эл-юрт фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишга бел боғлаган кишиларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилади, улар моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Масалан, бир деҳқон даштга чиқиб буғдой етиштирса, давлат, бозорда белгиланганидан уч ҳисса ҳақ тўлаб, сотиб олади. Бундан Саудия ҳукумати ҳам манфаат кўради. Биринчидан, дашт ерлари ўзлаштирилади. Иккинчидан, ғаллакорлар мана шундай рағбатлантирилмаса, моддий манфаат кўришмаса, буғдой экмай қўйишади. Оқибатда давлат буғдойни хорижий малакатлардан 5-6 баробар ортиқ нархда сотиб олишга мажбур бўлади.²

¹ Нуруллохон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари.- Т.: Камалак;1991.-Б.102.

² Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.50.

Саудия Арабистонида чорвачилик ривожланган тармоқлардан ҳисобланади. Агар бирор киши имкониятига қараб 100 бош қўй парвариш қилаётган бўлса, давлат ойига ҳар бош қўй учун мукофот бериб боради.

Маккада ажойиб қаҳвахоналар, ошхоналар кўп. Ҳавонинг ҳарорати жуда юқорилиги туфайли ҳамма жойда тозаликка, покизаликка ниҳоятда катта эътибор берилади. Турли хил мевалардан таёрланган шарбатлар қадоқланган, бир марталик идишларга қуйилиб, териб қўйилганлигини ҳар қадамда учратиш мумкин.

Албатта, Саудия Арабистонида маст қилувчи ичимликлар билан савдо қилиш, ёки истеъмол этиш қатъий таъқиқланган. Бундай ичимликларнинг бирор қултимини оғизга олганлиги маълум бўлса, у одам олти ой қамок жазосига ҳукм қилинади.

Саудия Арабистони кўчаларида аёлларни кам учратасиз. Зарур юмуш билан уйдан чиққан муслималар эса бошдан-оёқ қора паранжида, юзларига қора чиммат ташлаган ҳолатда юришади. Исломи таълимотига кўра аёллар рўзғор ишларини бажариш, фарзандларини ювиб-тараб, тарбиялаш билан машғул. Бу, муслималар ўйин-кулгидан бутунлай маҳрум, деган маънони билдирмайди. Тўй ва маросимларда, ҳайит кунларида улар ўзлари учун хос бўлган хонадонларда жаъм бўладилар. Тўкин дастурхон атрофидан жой олиб, қўй-қўшиқлар тинглайдилар. Суҳбатлашиб ҳордиқ чиқарадилар.¹

Фарзандидан воз кечган оналар, отасининг тайини йўқ болалар тўғрисидаги сўзларни саудияликлар тасаввурларига сиғдиролмайдилар. Чунки мамлакатда болалар уйининг ўзи йўқ. Шунингдек, қариялар уйи ҳақида гапирадиган бўлсангиз ҳам ҳайрон бўлишлари шубҳасиз. Зеро, фарзандлар ота-оналарига, кексаларга ниҳоятда ҳурмат руҳида тарбияланадилар. Қаровсиз қолган қарияларга(бундайлар жуда кам) давлат томонидан нафақа берилади. Фарзандсиз отахон ёки онахонлардан эса яқин қариндош уруғлари доимо хабардор бўлиб, иззат-ҳурмат кўрсатадилар.

¹ Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.34.

Минодан Маккаи-Муккарамага қайтиб, бир кун тунаганимиздан сўнг, ҳаммамиз истиқоматгоҳимиз яқинидаги масчитга яна жаъм бўлдик. Шунда муфтий ҳазратлари барчамизни ҳожи бўлганимиз билан муборакбод этганларидан кейин эртага эрталаб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дафн қилинган хужраи саодат қарор топган муқаддас шаҳар – Мадинаи Мунавварага жўнашлигимиз ҳақидаги хушхабарни эълон қилдилар. Мен бу хабарни ўша куниёқ телефон орқали Мадинадаги Абдулҳаким Халифага етказдим. Чунки у киши бир неча бор Мусохон аканинг хонадонларига кўнғироқ қилиб, Мадинадаги ватандошларимиз бир неча кундан буён интизорлик билан кутишаётганликларини айтишган эди.¹ – деб ёзганди Жамол Камол.

Сафар қоидасига кўра, ҳожилар аввал Мадинаи Мунавварада бўлиб, муқаддас жойларни зиёрат қилишади. Сўнгра, Маккада тўхтаб эҳром боғланганидан кейин Мадинага йўл олишади. Макка ва Мадина орасидаги масофа 450 километрни ташкил этади. Ўнта машина баробар ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган кенг йўл ниҳоятда текис, равон. Йўлнинг икки томони симлар билан ихота қилинган, беҳавотир. Шу боис, ҳайдовчилар автобусларини юқори тезликда моҳирлик билан бошқариб боришади.

“Макка шаҳри сарҳадидан ўтиб, асосий йўлга чиққанимизда мутовидлар Расулаллоҳнинг Маккадан Мадинага қилган ҳижратлари, саҳоблари билан дини исломни тарғиб қилиш йўлидаги қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилдилар. Биз совутгичлар билан таъминланган автобусларнинг юмшоқ ўриндиқларида ўтириб, ойнадан кузатиб борардик. Ташқари жазирама, ҳарорат 60-65 даража иссиқ. Тоғлардан кўра кўпроқ адирларни эслатувчи тепаликлардан тошлар ҳароратнинг юқорилигидан қорайиб, тарс-тарс ёрилган.²

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам бу йўллардан гоҳида туяда, гоҳида отда, гоҳида пиёда машаққат тортиб, неча кунлаб йўл

¹ Жамол Камол. Маккайи- Муккарама Мадинайи- Мунаввара- Т.:1992-Б.15.

² Брауэр Даниэл. Маккага йўл// Турон; 1993 йил, май.-Б.34.

босганлар. Инсонларни дину диёнатга, инсофу адолатга чорлаганлар. Аллоҳнинг яккаю-ю ягоналигини, Қуръони Каримнинг муқаддаслигини тарғиб қилганлар. Барча одам ирқу миллатидан, наслу насабидан қатъий назар яратувчининг ҳузурида баробар эканлигини такрор-такрор айтганлар. Башарият қалбини жаҳолат ғуборидан поклаш, кўнгилларни ҳидоят нури билан ёритиш йўлида бутун умрларини баҳшида этганлар.”- деб хотиралайди Насруллоҳон ҳожи.

Мадинанинг асл номи Ясриб бўлиб, Расулаллоҳ Маккадан шу шаҳарга хижрат қилганларидан кейин, унинг номи Мадинатуррасул, яъни “Пайғамбар шаҳри-и деб аталган. Кейинчалик мухтасар қилиб, Мадина”, дейилган.

Мадина шаҳри сарҳадига кириб борилганида ажойиб хурмозор боғларни, баландлиги 20 метрдан юқори бўлган банан дарахтларини кўриш мумкин. Саудия Арабистонида қиш бўлмаслиги туфайли хурмолар пишиб тугамасидан янгилари ғўралаб мевага кираверади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам яшаган даврларда одамлар банан дарахтлари тепасига чиқиб, йўлга кўз тутишар, олисдан Расулиаллоҳ кўринишлари билан бу хушхабарни Мадина аҳлига етказишар экан.¹

Мадинага ҳам фақат мусулмонлигини тасдиқловчи гувоҳнома билангина киришга рухсат этилади. Агар мусулмон бўлмаган одам хуфиёна кириб, кўлга тушса шариат аҳкоми бўйича, ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаллам дафн қилинган хужраи саодатни ўз ичига олган масжид Мадинада жойлашган. Расулаллоҳни зиёрат қилиш ниятида 120 та давлатдан аҳли мўминлар, ҳожилар келишади. Масжид эрталабдан кеч соат 10 гача очик. Ундан сўнг, зиёратчиларга рухсат этилмайди. Тонггача махсус хизматчилар масжид ичларини супуриб, хоналарни бирма-бир ювиб чиқади.²

Расулаллоҳ дафн қилинган хужраи саодатни ўз ичига олган масжидга бошдан-оёқ чўғдек гиламлар тўшалган. Кун ниҳоятда иссиқ бўлганлиги

¹ Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари.- Т.: Камалак;1991.-Б.65-66.

² Нуруллоҳон Ҳожи Қўқондий. Ўша асарда.-Б.72.

туфайли хоналарга ҳавонинг мўътадиллигини сақлаб турувчи совутгичлар ўрнатилган. Ҳар-ҳар жойга қўйилган идишларда музлар солинган сувлар бор.

Масжидуннабийда икки ракат намоз ўқилгандан кейин, Расулаллоҳни зиёрат қилиш учун оҳисталик билан ҳужраи саодат томон юрилади. Пайғамбаримиз ўзлар яшаган ҳужрага дафн қилинганидан кейин уни ярмини девор билан тўсиб, аёллари- Ойиша онамиз (Оллоҳ рози бўлсин!) яшаб турганлар, сўнгра Ойиша онамизнинг дадалари – биринчи халифа Абу Бакр (Оллоҳ рози бўлсин!) вафот қилганларида васиятларига кўра Расулаллоҳнинг оёқ томонларига дафн қилинганлар. Халифа Умарубнул Хаттобнинг (Оллоҳ рози бўлсин!) мақбаралари ҳам шу ерда. Уччовларига мўжаз қилиб, учта дераза қўйилган. Ҳужранинг ярми текис, қолган қисми девор билан тўсилган. Ҳожилар дастлаб ўртадаги деразага қараб “ Ассалот вассалому алайка ё расулаллоҳ” , яъни Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин. Омонатни ўз ўрнига қўйдингиз, умматларни ҳақ йўлга бошладингиз,- деб салом бердик. Сўнгра, ўнг томонга озгина бурилиб, Абу Бакр (Оллоҳ рози бўлсин!)га, кейин ҳазрати Умар (Оллоҳ рози бўлсин!)га салом берилади. Зиёрат маҳали Расулаллоҳнинг меҳробларини, мавъиза этган минбарлари ҳам тавоф этилади.

Хуллас, ҳаж зиёрати қонун-қоидаларига ҳар бир ҳожи тўла риоя қилишга ҳаракат қилади.

I.2 XIX аср охири-XXаср бошларида ҳаж зиёрати билан боғлиқ йўл тармоқлари ва муҳим йўналишлари

Ўрта Осиёда узоқ асрлардан буён истиқомат қилиб келаётган мусулмонларнинг ҳаётида муқаддас шаҳарлар ҳисобланган: Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи-Мунаввара шаҳарларига аҳоли ҳаж зиёрати нафақат мусулмончилик фарзи, қолаверса маданиятлараро, динлараро коммуникациялараро муносабатларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараён Ўрта Осиё, Россия, Араб мамлакатлари ва бутун Шарқ халқлари тарихида ягона бирлик контекстида ҳанузгача кам ўрганилган тадқиқот соҳаси бўлиб қолмаётганлиги диссертация кириш қисмида баён этилади.

Айниқса, XIX асрнинг 2-ярмида Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олиниши ва мустамлака, ярим мустамлака тартибларининг ўрнатилиши билан исломга муносабат ва мусулмон аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги қонун-қоидалар ўзгарди. Қўқон хонлиги бўйсундирилди, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлака бўлса-да, ташқи алоқаларда Россия империяси ҳукумати назорат органлари таъсирида эди. Бухоро амирлиги Россия империяси сиёсий агентлиги, Хива хонлиги фаолияти эса Амударё бўлими томонидан қатъий назоратга олинган, ҳатто ҳукуматлар бошқарувидаги мансаблар ҳам улар тавсияси билан амалга ошириларди. Бу хонликларнинг ташқи сиёсати Россия давлати ихтиёрисиз мустақил йўлга қўйилмаганди. Қолаверса, XIX аср охирида мусулмон аҳоли Россия империясида яшовчи умумий аҳолининг 15 фоизини ташкил этарди, ёхуд мусулмон аҳолининг умумий сони тахминан 19 миллион киши атрофида эди.¹ Ўрта Осиёда 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича, салкам 10 миллион сонли аҳолининг 95 фоизи маҳаллий мусулмон миллати аҳолиси эди. Қрим ярим ороли, Шимолий Кавказ, Кавказorti, Волгабўйи,(бошқирд ва татарлар) Сибирь, Уралбўйи халқлари олдинроқ Россия империяси таркибига киритилган бўлиб, бу минтақалардаги

¹ Grigoriev E. Russian Muslim Pilgrimages to Makkali in the Early Twentieth Century // Kingdom of Saudi Arabia in 100 years: / studies and Rescarches. Rieadih ; 2008. P.46

мусулмон аҳоли муқаддас ҳаж зиёратини – мусулмончиликнинг беш фарзидан бири сифатида империя қонунларига бўйсунган ҳолда бажариб келаётган эди. Империя ҳукумати ҳаж зиёрати ва зиёратчиларга эътибор қаратиши, ўз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида қараши табиий ҳол эди. XIX – XX асрлар чегарасида зиёратчи мусулмонлар сони Ўрта Осиё аҳолиси орасида кескин ўсиб бораётган эди. Империя маъмурияти зиёратчилар устидан назорат ўрнатиш учун махсус идораларни ишга солди. Бу борада давлат кенгаши, Ички Ишлар Вазирлиги, Молия вазирлиги каби идораларининг мутассадилари ўзларининг дастур ва ҳулосаларини император Николай II га юбордилар. 1903 йилда Николай II мусулмонларнинг ҳаж зиёрати ҳақида махсус бир буйруқ чиқариб, ушбу буйруқда Туркистон генерал – губернаторлиги ҳудудида яшовчи мусулмон зиёратчиларга тааллуқли бандлар бор эди¹. Туркистон генерал – губернаторлиги ҳам бу масалада турлича позицияларда туришган.

Император буйруғида мусулмон зиёратчиларга нисбатан ҳукуматнинг сиёсати белгиланиб, дастлаб мусулмонларга ҳаж фарзини бажаришга кескин қаршилиқ қилинмади. Мусулмон зиёратчилар ўзларининг моддий аҳволларидан келиб чиқиб, турли-туман транспорт воситалари билан (темир йўл, пороход) ҳаж зиёратини адо этиб ўз юртларига кейин, қайтишлари мумкин эди. Умуман бу борада юритилган сиёсат, тўлқинсимон, зиддиятли характерга эга бўлиб, Россия империясида мазлум халқлар устидан юритилаётган сиёсатга дахл етказмаслиги эътиборга олинганди.

XIX асрнинг охири чорагида Туркистон минтақасида халқ озодлик ҳаракатлари кучайиб, империяга душманлик кайфияти ошгани сари, мусулмон аҳоли айниқса, таъсирчан кучга эга бўлган руҳоний ва уламолар устидан назорат кучайтирилди. Айниқса, 1878 йилда Етимхон қўзғолони вақтида Қўқон хонлигидан йўлга чиқадиган зиёратчилар ўтказилмай қўйилган. Кейинги босқичларда зиёратчиларга нисбатан очикдан-очик қарши

¹ Grigoriyev E. Russian Muslim Pilgrimages to Makkah... P.67.

сиёсат юритилди, айрим ҳолларда маълум бир муддат ҳаж зиёратини адо этиш, зиёратга бориш таъқиқлаб қўйилди. Жумладан, 1898 йилда Мадали Эшон (Дукчи Эшон 1846-1898 йй.) қўзғолонидан сўнг 1900 йилгача зиёратчилар икки йил давомида муқаддас шаҳарларга томон йўлга чиқиша олмаган¹.

Иккинчи томондан, Россия империяси ҳукумати зиёратчиларни назоратда тутиш учун ҳажга боровчиларга қулайликлар яратиб бериш йўлидан ҳам борди. Аввало, транспорт муаммоларини ҳал этиш, Россия – Жидда – Бомбей (Мумбай) йўналишида кема қатновини йўлга қўйиш, ҳожилар сонини кўпайтириш, давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар, мусулмон жамиятлари орқали ҳожиларни моддий таъминлаш, йўл харажатларини енгиллатиш чоралари ҳам кўрилди. Жиддадаги Россия ваколатхонасига зиёратчиларга шарт-шароитлар яратиб бериш, Маккага уларни соғ – омон етиб бориб ортга қайтишини таъминлаш билан боғлиқ амалий кўрсатмалар берилган. Европа ва маҳаллий тилларда чоп этилган матбуот органларидан: “Туркестанский голос” (Андижон), “Закаспийское обозрение” (Ашхобод); “Кавказ и Средняя Азия” (Боку); “Окраина” (Самарқанд); “Среднеазиатский вестник” (Тошкент); “Средняя Азия” (Тошкент); “Хуршид”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, газеталари ва “Ойна” (Самарқанд) журналларида ҳаж зиёрати, зиёратчилар ва уларнинг хотиралари кенг миқёсда босила бошланди. Масалан, 1890 – 1898 йилларда Самарқанд шаҳрида чоп этиб турилган “Окраина” газетасида туркистонлик мусулмон зиёратчиларнинг босиб ўтган йўллари ҳақида муқаддас ҳаж сафари билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинди².

XIX аср охири – XX аср бошларида мусулмон зиёратчилари учун мураккабликлар вужудга келиб, уларнинг зиёратга бориши қатъий рухсат билан мустамлака маъмурияти назоратида амалга ошиши тўла расмийлаштирилди. Шунга қарамай Туркистон мусулмонлари орасидан кўп

¹Шумилов В. Полонничество мусульман // “Туркестанские ведомости”. 1913. № 28-С.3.

²Возвращение полонников //Окраина. 1897 - № 21, стр 1 – 2.

сонли кишилар мустамлака ҳукуматига ҳаж зиёратига бориш учун ўз аризалари билан мурожаат қилардилар. Ҳаж зиёрати сув йўллари ва темир йўл транспорти воситалари орқали амалга ошираларди. Россия империяси учун учта йўл маршрути бор эди: Шимолий, Транскавказ ва Жанубий йўналишлар мавжудлиги адабиётларда қайд этилади. XX аср бошларида Каспийорти темир йўлининг қурилиши билан Каспий денгизи қирғоқларидаги шаҳарларни Тошкент шаҳри билан боғлаш имконияти туғилди. Бу эса Туркистон генерал – губернаторлиги вилоятларидан зиёратчилар сони ошишига сабаб бўлди¹.

Шимолий йўналиш: Ўрта Осиё – Кавказ - Красноводск - Боқуни бирлаштириш орқали Қора денгиздан Батуми ва Потти портлари орқали боғланарди.

Жанубий маршрут: Самарқанд шаҳридан бошланиб, Афғонистон шаҳарларидан Мозори - Шариф, Кобул – Ҳайбар ўтиш жойи – Пешовар – Бомбей (Ҳиндистон) – Жидда ва Ҳижоз орқали ўтарди. Бу қуруқлик йўли хавфли эди. Йўлдаги ҳар бир постда зиёратчилар бож тўлар, улар йўлни асосан туя ва отларда босиб ўтарди, айрим жойлардан пиёда ўтиларди.

Жиддадаги рус консулининг афғонлар мусулмон зиёратчилардан кўп миқдорда бож олганлиги, улар мол – мулкларини мусодара қилганлиги, асирга олишлари, ҳатто кўплар тутқунликда пул ва мулкларидан ажралиб ўлиб кетиши билан боғлиқ маълумотлари сақланган. Айрим маълумотларга кўра 1896 йилда Макка ва Мадина ҳажига Афғонистон ва Британия Ҳиндистони орқали борганлар сони 1370 нафарни ташкил этган².

Зиёратчилар учун деярли тиббий хизмат йўлга қўйилмаганлиги туфайли улар орасида терлама, шамоллаш, вабо, куйдирги каби кассалликлар кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра зиёратчиларнинг 20 фоизидан 50 фоизигача йўлдаёқ кассаликдан вафот этишган. 1896 – 1897 йилларда империянинг Жанубий вилоятларида юқумли касалликларнинг кенг

¹Тогаева А.З. Железная дорога Ташкент – Оренбург и ее место в социально-экономической жизни Туркестана – Автореф дисс....канд.ист.наук. Т-: 2010; - С. 19-22.

²Туркестанские ведомости. 1908. № 186. – С 2.

тарқалганлиги учун зиёратчилар сони кескин камайган. Россиянинг Батуми, Феодосия, Боку, Красноводск каби портларида тиббий назорат пунктлари ташкил этилиб, бироқ бу пунктлар замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмасди. Зиёратчилар пороходларга ўтиришдан олдин шаҳар врачлари кўригидан ўтиши керак эди. Пароходда ҳам ҳожихоналарга тиббий хизмат кўрсатилган. Тиббий назоратдан ўтишдан бўйин товлаганлар ҳибсга олинар, ёхуд 3000 рубль миқдорида жаримага тортилган. Қандай тўсиқлар қўйилмасин ҳожилар сони йилдан – йилга кўпайиб борган. 1886 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги вилоятларидан жами 274 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, 10 йил ўтиб (1896 йил) улар сони 2 баробар кўпайган. Кўрсатилган йилларда Бухоро амирлигидан 235 нафар мусулмон зиёратчи, Хива хонлигидан 17 нафар мусулмон зиёратчи Макка ва Мадинада бўлишган¹. XIX аср охиридан бошлаб ҳаж зиёратига бориш расмий рухсат билан амалга оширилар, йўлга чиққанлар чет эл паспортини олиши керак эди. Чет эл паспортини олиш учун ҳар бир зиёратчи полиция участкасига ҳужжатларини тавсия этиши, уларга ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги кўрсатилиши ваколатига эга бўлиши керак эди. Тасодифан чет эл паспортисиз йўлга чиққан зиёратчилар, Одесса ва Севастополь портларида ўзларига телеграмма орқали рухсат берилишини кутишарди. Жанубий маршрут бўйича йўлга чиққанлар учун бу ҳолат деярли қийинчилик туғдирмасди. Шунинг учун ўз ихтиёрича йўлга чиққан зиёратчилар бу йўналишда кўп сонли эди. Туркистон генерал – губернаторининг 1901 йил 23 январдаги буйруғи билан чет эл паспортини оладиган зиёратчилар ҳаж йўлида Феодосия ва Батуми портлари орқали ўтиб қайтишларига ваъда берувчи тушунтириш хати ёзиб берардилар. Улар сафари Ҳижоз орқали ўтиши керак эди².

¹ Организация пономнического движения и грядущая опасность// Туркестанские ведомости. 1910. ; 215. – С.2.

² Алимова Д. Шадманова С. Из истории пономничества мусльман Центральной Азии в Мекку (коней XIX начало - XXI вв.)// O`zbekiston tarixi. 2011. №1. – С.53.

Шунга карамай зиёратчилар ҳаж арконларини бажариб ортга қайтганларида Жидда – Бомбей йўналиши билан боғлиқ инглиз пороходларига чиқишарди. Биринчидан, бу йўл хавфсиз, иккинчидан эса арзон эди. Жанубий йўл орқали қайтган зиёратчилардан ҳужжат суриштиришар, ўтиш транспортларини узоқ кутиб туришарди. Маълумотларга кўра Жидда – Бомбей йўналишида ортга қайтганлар бир йилда 4 минг нафардан 7 минг нафаргача бўлган зиёратчиларни ташкил қилган.

Қуйида келтириладиган жадвалда Туркистон генерал – губернаторлиги вилоятларидан 1906 – 1908 йилларда ҳаж зиёратида бўлганлар сонини аниқлаб олиш мумкин.

Област	Зиёратчилар сони (областлар бўйича)		
	1906	1907	1908
Сирдарё	625	801	439
Самарқанд	539	329	365
Фарғона	4154	4204	2271
Каспийорти	444	405	635

Юқорилаги жадвалдан шу аён бўладики, мусулмон зиёрчиларининг асосий қисми Фарғона вилоятидан бўлиб, улар сони ҳам йиллар бўйича ўзгариб турган. Америкалик олим А.Брауэр бундай ўзгаришини Фарғона водийсида пахта ҳосилининг кўпайиши ва камайиши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Пахта ҳосили мўл бўлган йилларда зиёратчилар сони 5 – 6 минг нафаргача етган¹.

Ўша давр даврий матбуот материаллари маълумотича йўлга чиққан ва кўп сонли зиёратчилар Бухоро ва Фарғонадан бўлиб, 1913 йилда Маккага бориш учун улар 42.000.000 рубль маблағ тўлаганлар. Россия мусулмонлари зиёратида ҳар бир зиёратчидан 300 рубль (450 АҚШ долларида ортиқроқ) Саудия Арабистони хазинасига тушган. Россия империясида пулнинг кадри бўлиб, Шарқ мамлакатларида рус рубли валюта ўрнида юрган. Шундай

¹ Брауэр А. Маккага йўл. // Турон; 1993. № 1. – Б. 30

далилни Дукчи-Эшон ҳам ўзининг тергов материалларида тасдиқлайди. Бомбейдан Жиддага жўнаб кетган пороходлар ўзининг қулайлиги ва замонавийлигига қараб юқори-паст нархларда, тўловларда зиёратчиларни олиб кетдилар¹.

Зиёратчилар орасида хотин – қизлар ҳам оз сонли бўлсада бор эди. 1897 йилда Бухоро амирлигидан зиёратга борганлар 175 киши бўлса, улардан 10 нафари аёллар эди. 1903 йилда Красноводскдан қайтган зиёратчиларнинг 15 нафари аёллар бўлган².

Хуллас, Россия империяси ҳукумати мусулмон зиёратчилар масаласига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган ва зиёрат йўллари ва йўналишларини назоратда ушлаган. Зиёратчилар ҳаж зиёрати арконларини бажариб юртларига қайтиши ҳам қатъий назорат остига олинганди.

¹ Сайфиддин Жалил. Бухорийлар қиссаси. – Т.: Тошкент Ислон Университети; 2006. – Б. 45.

² Алимова.Д. Шадмонова С. Из истории паломничества мусльман. Центральной Азии в Мекку (коней XIX начало - XXI вв.) // O`zbekiston tarixi; 2001. - № 1 С 55.

I.3 1867 – 1917 йилларда Туркистон минтақасидаги мусулмонларининг ҳаж зиёрати

Туркистон минтақасида истиқомат қилувчи мусулмон аҳоли вакиллари ислом динининг беш фарзидан бири ҳисобланган ҳаж зиёратини илк ўрта асрлардан буён адо этиб келганликлари юқоридаги параграфда таъкидланди. Хонликлар ҳукумронлиги даврида Макка ва Мадина ҳажи сафарига моддий аҳволи яхши бўлган, йўл харажатларини кўтара оладиган, соғлом шахслар хохлаган йўл орқали жўнаб кетар эди. Тахтдан ағдарилган ёки ҳукумдорлик рутбасини ворисига топширган шоҳ, хон ва амирлар ҳам кўп ҳолларда ҳаж сафарига чиқишган. Бу ўринда Муҳаммад Тарағай-Улуғбек (1394; 1409-1449 йй), Қўқон хони Худоёрхон (1851-1882 йй) кабиларнинг тақдирини эслаш кифоя. Улуғбек 1449 йил октябр ойи охирида мутаасиб руҳонийлар ва уни Абдуллатиф томонидан тахтдан туширилганидан сўнг, кузатувчилар билан ҳаж зиёратига йўлга чиқади. Бироқ, Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида ўлдирилган. Худоёрхон (1851-1882йй) Оренбургдан қочиб, ўз мулозимлари билан ҳаж сафарига йўлга чиққан, у ҳаж арконларини бажариб, юртига қайтаётганида Афғонистоннинг Ҳирот шаҳри яқинидаги Каррух қишлоғида касалланиб ўлди.

Туркистон Чор Россияси томонидан истило қилиниб, 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлигининг ташкил топиши, 1868 йилда аввал Бухоро амирлиги, 1873 йилда эса Хива хонлигининг ярим мустамлакага айлантилиши билан Макка ва Мадинага ҳаж зиёратига борувчилар ҳам қатъий назорат остига олинди. Туркистонликларнинг Макка ва Мадинага ҳаж сафари Россия императорлигининг Осиё департаменти махфий маслаҳатчиси директори Стрелюхов маълумотича: Ўрта Осиёдан келиб чиққан шахслар Константинополь ва Форс (Эрон)га ўз ишлари ҳамда ҳаж зиёратига жўнаб кетиш учун кўплаб келадилар. 1869 йилда, айниқса Бухоро ва Қўқондан келганлар Туркия ва Эронда кўпчиликни ташкил қилиб, бу маълумотларни Истанбулдаги рус элчиси ва Техрондаги рус ваколатхонаси ҳам

тасдиқлайди¹. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, туркистонликлар ҳаж зиёратига асосан Туркия ва Эрон давлатлари орқали жўнаб кетишган.

1867 – 1869 йиллардаёқ рус ҳукумати органларидан Ички Ишлар Вазирлиги, Савдо - саноат Вазирликлари биргаликда бу масалада ягона тартиб – қоидалар ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган. 1867 йил 15 августда Туркистон генерал – губернатори К.Фон Кауфманга Петербургдан йўлланган мактубда: “Маккага қараб йўлга чиққан Туркистон ўлкаси вакиллариغا Константинополь (Туркия)га жўнаш учун сотилган йўл чипталари Россия савдо ишлари идораси рухсатидан ўтмаганлиги, бу масалани губернаторлик назоратга олиши билан боғлиқ кўрсатма берилади”.

Константинополь (Истанбул)га етиб келган зиёратчилар Кичик Осиё оролининг гаванлари орқали Мисрнинг Сувайиш каналидан ўтиб, Александрия шаҳрига етиб боришган. У ердан Жидда ёки Ҳижоз орқали Макка ва Мадинага йўл олишарди¹. Константинопол (Истанбул) орқали ҳаж зиёратига кетиш оммавий тус олишига сабаб, Истанбулда мусулмон зиёратчилар учун текке(такя- мусофирхона)лар бор эди. Улар сони 8 та бўлиб бундай теккелар Адана, Измир, Кўня, Измет каби шаҳарларда ҳам бўлган. Шунингдек, Туркистонни Ўрта Осиёлик зиёратчиларни моддий жиҳатдан ҳам қўллаган. XIX асрда 8 та элчилик Қўқон хонлигидан Истанбулга ҳаж масаласида келганди.

Иккинчи йўл эса, Тошкент – Оренбург темир йўли орқали аввал Каспийорти вилоятига борилар эди. Сўнгра Каспий денгизидаги кемаларга ўтирилиб, Форс кўлтиғига, ундан кейин Месопотомия (Ироқ) орқали Ҳижоз шаҳрига борилган.

Жиддадаги рус консули Ўрта Осиёлик мусулмон зиёратчиларнинг сони бир йилда 3-4 минг киши атрофида бўлганлиги, ҳамда уларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидан эканлигини қайд қилади. Биринчи жаҳон урушидан

¹ Ҳайитов Ш.А. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати даврида Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати. Истории культурного наследия Бухари (10 - выпуск) Бухара: 2006. – С. 89.

¹ Ҳайитов Ш.А. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати даврида Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати. Истории культурного наследия Бухари (10 - выпуск) Бухара: 2006. – С. 89.

олдин Макка ва Мадина ҳажига борганларнинг 4/3 қисми Фарғона водийсидан бўлган. 1909 йил пахтадан кам ҳосил олинганлиги туфайли 1500 киши, юқори ҳосил етиштирилган 1910 йилда эса 5 минг киши ҳаж зиёратида бўлган¹. Маълумки, Туркия ва Эрон давлатлари ҳудудий ҳамда чегаралар масаласида Россия империяси билан ўзаро душманлик муносабатларида бўлишган. Шунинг учун Россия ҳукумати Туркистон аҳолиси вакиллари мумкин қадар бу мамлакатлар ҳудудидан ўтишининг олдини олишга ҳаракат қилган. Ҳолбуки, XX аср бошларида ҳам зиёратчилар манзилларига асосан турк, юнон, форс флоти кемаларида етиб боришган. 1901 – 1903 йилларда туркистонлик зиёратчилар Макка ва Мадинага юнон кемаларидан “Элли”, “Гермес” ларда ва турк кемаси “Абдул Қодир”да етиб борганлиги ҳақида маълумот берилади. Ўша пайтда зиёратчилар хизматида рус флотининг “Олег” номли кемаси ҳам бўлган. “Гермес” номли юнон кемасида 1901 йилнинг 1 июнида Макка ва Мадина ҳажи зиёратидан Одесса портига қайтиб келган Бухоро амирлиги фуқарolari ҳақида куйидагича маълумот берилади².

Карантин қайдномаси	Исм ва фамилияси	Қачон ва қаерга паспорт берилган	Қаерда доимий яшаш учун юборилганлиги
22	Мусо Ҳафиз Абдулло	Константинополь 7 май, № 1422	Бухоро
23	Унинг ўғли Абдулло Мусо	26.3893	Бухоро
358	Ғулом Али Абдуллаев	26.3898	Бухоро
359	Мулло Ёқуббой Мулло Исмоилов	30.4479	Бухоро

¹ Ҳайитов Ш. Орзиев М. Россия империяси ҳукуматининг мусулмон зиёратчиларга муносабати // БухДУ Илмий Ахбороти, 2012-, № 2. – Б. 36.

² Ҳайитов Ш. Орзиев М. Ўша мақола. Ўша жойда.

421	Абдуллабой Худойбердиев	26.3863	Бухоро
760	Муҳаммад Зокир Мулло Жамолитдинов	28.4414	Бухоро
761	Исамуддин Амиршоев	23.1724	Бухоро
762	Муҳаммадшариф муҳаммад Содиков	23.1729	Бухоро
763	Мирзо Баҳром Мирзобеков	23.1734	Бухоро

1901 йилда “Элли” ва “Абдул Қодир” каби кемаларда (пороходлар) Одесса портига етиб келган зиёратчиларнинг ҳам рўйхатлари шу тарзда катъий қилиб тузилиб, ҳар бир шахс тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг паспорти ва ҳужжатлари тегишли рус идоралари томонидан қайта-қайта текширилган. Ҳаж зиёратига борган мусулмонларнинг сафари пайтида йўлда ва ҳаж қоидаларини бажариб турган кунларда вафот этиб қолиши, бедарак йўқолиши, йўлтўсар ва қароқчилар томонидан таланиши, ёки Туркистонга қайтмай Арабистонда ва бошқа бирор – бир бошқа Шарқ мамлакатада муқим яшаб қолишлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам тўплаб борилган. 1902 йилнинг 30 августида Одесса портидаги карантин округи бошлиғи Моссанский томонидан Бухоро амирлиги Россия сиёсий агенти номига юборилган хабарда: “Бухоро фуқаролари бўлган Одилбой Фозилбоев ва Бекмуродбой Боймуродбоевлар Макка ҳажидан қайтиб келаётганларида “Абдул Қодир” номли турк кемаси капитанининг маълумотича, Сувайиш каналидан Феодосияга қараб йўлга чиқилган пайтда вафот этишган. Уларнинг жасадлари денгизга ташланган, вафот этганлардан ҳеч қандай пул

ва қимматбаҳо буюм қолмаганлиги маълум қилинади¹. Иккинчи бир ҳаж сафарига вафот этганлар билан боғлиқ ҳужжатда: 1904 йилда Жидда шаҳрида вафот этган ҳожилардан Ойгулой Қобулбой кизи, Худоберди Раҳимберди ўғли, Остонкул Дубилбой ўғли, Ҳошим Абдулазиз ўғли, Ҳожи Худойберди Раҳмонберди ўғли, Тўхтамурод Абдулҳолик ўғли, Хожихон Мурод Сўфи Ҳақберди ўғли, Ҳожи Аҳмад Шарифбой ўғли сингари 8 кишининг исм – шарифи қайд қилинади.

Бухоро амирлигининг Қушбегиси ва Бухородаги рус сиёсий агентига 1907 йил 17 мартда йўлланган маълумотномада: “Бухоро фуқароси Хўжа Абдурахим Орифбоев Макка ҳажидан қайта туриб касалланиб қолган. Қрим – Кама (Феодосия)да даволанган. Орифбоев соғайганидан сўнг, ўз ҳамроҳлари билан Севастополга қараб йўлга чиққан, улар ушбу шаҳардан Ростов шаҳрига етиб келишган. Ростовда йўқолиб қолган Орифбоевни излаган дўстларидан бири Туркия фуқароси Аҳмад афанди Ҳожи Ҳасанов рус жандармларидан битта зиёрачи поезд остида қолиб, оёғидан ажралганлиги, унинг ташқи белгилари баланд бўйли, қора соқолли, оқ саллали, сарт (ўзбек) эканлиги ҳақида маълумотнома олган. Орифбоевнинг қариндошларига ушбу маълумотномани кўрсатиш ва Жиддадаги рус ваколатхонасида 400 сўм миқдорида маблағи сақланаётганлигини хабар бериш сўралади. Чор Россиянинг мустамлакачилик сиёсати ҳамда икки ёқлама зулм ва бошқа сабабларга кўра Макка ва Мадина ҳажи зиёратига кетган айрим туркистонликлар ватанига қайтишмаган. 1905 йилнинг 15 сентябрида Жиддадаги рус ваколотхонаси вакили Бухородаги рус сиёсий агентлигига берган махфий хабарида: “Жиддада ўзини Бухоро фуқаролари деб ҳисоблайдиган 15 – 20 тагача шахслар истиқомат қиладилар. Улар Туркия ҳукумати билан яхши алоқада. Ушбу шахслар хизматида бўлган яна бир неча ватандошлари бор” – деб маълумот берилади. XX асрнинг бошларида асли хўжандлик бўлган Абдурашид Хўжа Эшон ҳаж сафарига кетиб ватанига қайтмайди. 1903 – 1905 йилларда Арабистондан Туркияга

¹ Возращение полонников // Украина, 1897, - № 21. – С.3.

кўчиб ўтади. Абдурашид Хўжа Эшон Туркияда сандиксоз уста, тиждоратчилик каби касблар билан шуғулланиб кун кўрган¹. Чор Россияси ҳукумати 1903 йилда “Мусулмон зиёратчилар учун қоидалар” номли ҳужжатни ишлаб чиқади. Ушбу ҳужжатга кўра, ҳаж зиёратини ихтиёр қилганлар ҳукумат идоралари назоратидан ўтар, йўл чипталари ва ҳужжатларини махсус агентлик томонидан расмийлаштирар, ҳамда аниқ белгиланган маршрут орқали ҳаж зиёратига бориши керак эди. 1906 йилнинг ноябрь – декабридан “Рус кемачилиги ва савдо жамияти” бошқармаси ҳаж зиёрати учун Одесса Севастополь, Батуми портлари орқали арзон нархларда ва қулай шартлар билан йўлга чиққанларни Ҳижозга етказиш чораларини кўрди. Зиёратчиларга йўл чипталари Москва, Нижний – Новгород, Пенза, Самара, Оренбург, Уфа, Челябинск, Тюмень, Кавказorti темир йўл станцияларида арзон нархларда сотиладиган бўлди. Мақсад: мусулмон зиёратчиларини Россия савдо вазирлиги орқали рус кемачилиги жамиятига қайтариш эди. “1907 йил 11 октябрда вабо касали билан кураш чора – тадбирларини кўриш” баҳонасида зиёратчилар фақат Қора денгиз портлари бўйлаб, бундан кейин 1907, 1908, 1909 йилларида Ҳижозга боришлари кўрсатилган. 1909 йилда Ҳижозга жойлашиш учун Одесса, Феодосия, Севастополь, Батуми портлари зиёратчиларга хизмат қилиши қайд қилинади”. Ҳижозга зиёратчиларнинг мол – мулкани қароқчи ва талончи йўлтўсарлардан асраш учун пул ва буюмларни кўриқлаш пункти ташкил қилинди. Ҳижоздаги рус ваколотхонаси вакилининг маълумотича, Жиддада бундай пункт 1891 йилдаёқ ташкил этилган эди. Ҳижозда очилган рус ваколатхонаси қошидаги пул ва буюмларни асраш бўлми 100 сўм пулни сақлаш учун 5 тийин, 100 сўм баҳоланадиган буюмни сақлаш учун эса, 14 тийин ушлаб қоларди. Юқорида номлари кўрсатилган портлардан Ҳижозга жўнаб кетадиган ва ушбу шаҳардан қайтиб келадиган ҳар бир кема 20 тадан

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватанжудоликни мунгли тарихи. Бухоро: 2005. – Б. 105. (Абдурашид Хўжа 1895-1931 йиллар) Эшон матбаачи, дипломат ва сиёсий арбоб Саид Аҳрорийнинг отаси бўлиб, Саид Аҳрорий Туркияда таваллуд топган. У Турк зобити сифатида ҳарбий ҳаракатларга кириб, биринчи жаҳон уруши йилларида Россия томонидан асирга олинган. Кейинчалик Туркистонга келиб БХСР ҳукумати органи “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири бўлган).

ортиқ мусулмон зиёратчиларини юкламаслик, уларни соғлиғини назорат қилиб туриш учун тиббиёт ходимларини жалб қилиш чоралари кўрган¹. 1906 йилдан бошлаб, Тошкент – Оренбург поёзи зиёратчиларни Қора денгиз портларига олиб борадиган станцияларга мунтазам етказиб турди.

1907 йилда Россия империясидан Маккага ҳаж қилишни ташкил қилувчи ва манзилга етказувчи “Кўнгилли флот айғокчилиги (“Агент добровольного флота”) номли уюшма тузилди. Мазкур уюшманинг идоралари Батуми, Феодосия, Одесса, Севастополь шаҳарларида очилиб, марказий идораси Одесса портида бўлган. Тошкентлик бой савдогар, бир неча бор Россия империяси орден ва нишонлари билан мукофотланган Саид Саидазимбой 1907 йилда Кўнгилли флот бош айғокчиси (махсус айғокчи) қилиб тайинланади. Кўнгилли флотнинг таянч нуқталаридан бири 1909 йилда Қошғарда (Хитой) ҳам очилиб, бу шаҳардаги рус ваколотхонаси орқали зиёратчиларга йўл чиптаси сотиладиган махсус касса ташкил қилинди.

Саид Саидазимбой рус мустамлакачиларига қанчалик садоқат билан хизмат қилмасин, унга шахсий ихтилофда бўлган айрим маҳаллий кишилар ҳамда рус ҳукумати органларида фаолият олиб бораётган ҳасадчилар туҳмат уюштириб турганлар. Саид Саидазимбойнинг 1909 йилнинг 20 августида Бухородаги Россия сиёсий айғокчисига ёзган билдиришномасида: “Эски Бухорода мен ҳақимда туҳмат ва бўҳтондан иборат гап тарқалган. Гўёки мен Одессадаги ўз ҳожихонамда зиёратчиларни 2 ой тутиб турган эмишман. Бу гапларни тарқалишида мен Одессадаги идорамга ишга олмаган шахслар ва ҳаж пайтида жиноят қилганларга қонуний чора кўрганлигим учун иғво қилганлар сабабчидир. Бухорода бу каби нохуш миш – мишларни менга рақиб бўлган мешкобчилар тарқатган... аввало, Сизга шуни хабар қиламанки, 1909 йилнинг 1 августида Тошкентдан Одессага юборилган биринчи партиядаги 9 зиёратчи етиб келиши биланок, кемага ўтиртирилиб, Константинополга юборилган. Ундан кейин турли партияларда келган 50 зиёратчи ҳам Одесса портида кутмасдан ўз вақтида жўнаб кетишган.

¹ Ўша китоб. – Б. 107.

Зиёратчилар учун хожихона очганлигимни Одесса шаҳар бошлиғи орқали билиб олишингиз мумкин. У менинг сўзларим ҳақлигини тасдиқлайди”¹ – каби фикрлари мавжуд. 1910 йилда савдо – саноат вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаганлиги, бўш ўринларга ўз фойдаси учун йўл чипта сотганлиги, ҳужжатларни юритишдаги камчиликлари учун Россия кўнгилли Флот бош айғоқчилиги лавозимидан Саид Саидазмибой олиб ташланади². Чор Россияси мустамлакачилари шу тариқа маҳаллий миллат вакилларидаан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, Саидазмибой сингариларнинг юртдошлари олдида “сотқин”, “хоин” бўлиши, уларга садоқат билан хизмат қилишига қарамай хохлаган пайтда обрўсизлантирилиб кераксиз қилиб ташланишига асосланган сиёсат-юритганлар. Саидазмибой каби рус мустамлакачиларига ён босиб хизмат қилган, охир – оқибатда ўз халқи учун ҳам лаънатланган, рус маъмурлари учун эса жинойтчи бўлиб, қолишган.

Сиртдан қараганда Макка ва Мадина ҳажини ихтиёр қилган туркистонлик зиёратчиларга чор Россияси ҳукуматининг “махсус портлар очиш”, “махсус кемалар қўйиш” ҳожиларни “йўлтўсар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш”, “пули, буюмлари ва мол – мулки, жонини асраш” кабилар бизга ғамхўрлигидек бўлиб кўринади. Бироқ, масалага чуқур мушоҳада билан фикр юритиб ёндошсак, Россия империяси ва мустамлакачилар маъмуриятининг бу соҳадаги фаолияти ҳам мазлум халқларни асоратда сақлашга қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Аввало, туркий халқлар билан узоқ асрлардан буён иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлган Туркия ва Эрон орқали ҳаж зиёрати ўтиб қайтишнинг олдини олиш орқали Россия империяси хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда мусталакаларда озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояларини тарқалишига йўл қўймаслик мақсади кўзланган эди. Қолаверса, Россия ўзи билан дўстона муносабатларда бўлмаган бу икки давлат Ўрта Осиё халқлари озодлик учун кураш майдонига кирган пайтда уларга молиявий, ҳарбий ёрдам беради, деб ҳисобларди.

¹ ЎзРМДАИ-3-фонд. 1-рўйхат, 215-иш III-варак.

² ЎзРМДАИ-3-фонд. 1-рўйхат, 215-иш 121-варак.

Туркия ва Эрон ҳудудлари орқали ўтиб, ҳаж зиёратига бориб келишга уринган айрим шахсларнинг расмий ҳужжатларидан мумкин қадар камчиликлар қидириш, уларга жарима солиш каби чоралар қўрилган. 1905 йилда Бухоро фуқароларидан 11 киши Бағдод – Карбало – Форс қўлтиғи – Боку – Красноводск йўналиши бўйлаб, ҳаж зиёратидан қайтиб келганлар. Улар вабо касалини кенг тарқалганини била туриб, ҳаж зиёратидан қайтишда Феодосия портидаги карантин бўлимига кирмаганликлари ва ўзбошимчалик қилганликлари учун ҳар бири 5 сўмдан, жами: 11 киши 55 сўм жарима тўлашга мажбур қилинди¹. XX асрнинг бошларида Россия – Англия муносабатларидаги зиддиятнинг бош тугуни ҳамон Ўрта Осиё масаласи бўлиб келаётган эди. 1907 йилнинг августида Россия, Англия ва Францияни бирлаштирган Антанта ҳарбий иттифоқига аъзо бўлиб кирган бўлсада, ушбу мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар тўла бартараф этилмаган эди. Ўрта Осиёлик зиёратчилар 1910 йилларда ҳаж зиёратидан Жидда – Бомбей (Ҳиндистон) қулай ва арзон сув йўли билан ўз юртларига қайтиш ҳаракатида бўлганликлари ҳам Россия ҳукуматини ташвишга солган. Жиддадаги Россия бош элчиси “Константинополь ва Феодосияга йўл олган рус кемаларининг чипта нархи 5 ва 8 лира, турк кемаларники эса, 2,5 ва 6 лира, Бомбей Жиддадан 10 кунлик йўл бўлишига қарамай бор – йўғи чипта нархи 2 рупия... Баъзи бир моддий жиҳатдан қийналган зиёратчилар Бомбейга текин ҳам етиб борадилар. Уларга инглиз кемаларида етарли шарт – шароитлар яратилган. Инглизлар яқинда (1905 йил) ҳар бир зиёратчидан Бомбейгача бор – йўғи 2 рупия оладиган етти саккизтагача кемалар қатновини йўлга қўйдилар... Зиёратчилар кутиб турмасдан тезда йўлга чиқадилар. Жиддада инглизларнинг таъсири кучли... Рус кемалари қатновини тезлаштириб, йўл чипталари нархини 100 рублдан 70 рублга тушириш керак”² деган таклифини билдиради. Ҳиндистон ўша пайтда Англия қўл остида мустамлака бўлганлиги, бу мамлакат орқали Ўрта Осиёлик зиёратчиларнинг ўтиб-

¹ Ўша жойда. 133-варақ.

² Ҳайитов Ш. Айматова З. Бухороликларнинг хориждаги мулклари ва ворислик ҳуқуқи масаласига доир // БухДУ Илмий Ахбороти. 2012. № 3. – Б. 38.

қайтиши ҳам чор Россияси ҳукумати тавишга солган. Шу тариқа нуқул ўз сиёсий мақсадлари ва империя манфаатларини ўйлаган Россия мустамлака бошқарувининг мусулмон зиёратчиларга кўрсатган “ғамхўрлиги” мажбурийлик ҳамда заруратдан келиб чиққан сохтакорликдан иборат сиёсат эди.

II Боб. Совет ҳокимияти йилларида йилларида диний сиёсат ва ҳаж зиёрати

II.1. Совет ҳокимияти йилларида динга нисбатан муносабат ва даҳрийлик сиёсати.

Совет ҳокимияти вужудга келиши билан собиқ Россия империяси аҳолисини ўз томонига ағдариш мақсадида диний сиёсатда “назокат” билан иш кўришга ҳаракат қилди.

Совет ҳукумати 1917 йил 2 ноябрда В.И. Ленин ва В.И.Сталин имзо чеккан: “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси”номи билан тарихий ҳужжат эълон қилди¹. Ушбу декларацияга мувофиқ черков давлат ва фуқаролик ҳаётидан ажратилиб, барча диний имтиёз ва чеклашлар бекор қилинди. Декрет черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиб қўйиб, виждон эркинлиги масаласини кун тартибига қўйди. Мактаблар дунёвий билим бериш масканига айлантирилди. Аслида бу қарор декларатив характерга эга бўлиб, муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 20 мартдаги ва 14 июлдаги имтиёзларни бекор қилиш ҳамда виждон эркинлигини жорий этиши билан боғлиқ қарорини умуман яна бир бор такрорлашдан иборат бўлганди. Совет ҳукумати ўз ўрнатилган дастлабки ойларда эътиборини асосан рус православ черковига қаратиб, мусулмон ва бошқа диний ташкилот ва муассаса ҳамда ўзга эътиқоддагиларга нисбатан жиддий маъмурий чораларни деярли қўлламади. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунданок диндорлар ва диний ташкилотлар ўзларининг бу ҳукуматга нисбатан салбий муносабатларини билдирдилар.

Рус православ черкови 1917 йил 11 ноябрдаги йиғилишида 1917 йил 25 октябрь тўнтаришини қоралаб чиқди. Патриарх Тихон эса ушбу черков раҳбари сифатида янги ҳукуматни қабул қилмаслигини билдирди. У 1918 йил 20 январдаги собор йиғилишида совет ҳукуматининг черковга қарши ҳаракатларини қатъий қоралади. Бутунроссия муфтийси Г.Борудий 1917 йил

¹ Алексеев В.А. Иллюзии и догмы. М; Изд-во: “Политической литературы”, М.: 1991. – С. 27.

охирларида Уфада мусулмонлар Миллий мажлисини чакириб, руҳоний ва уламоларни совет ҳукуматига қарши курашга чақирди. 1918 йил кузида Тошкент ва Андижонда ҳам руҳоний ва уламоларнинг совет ҳокимиятига қарши норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди¹. Совет ҳокимияти юқорида таъкидлаганидек, ислом дини ва мусулмонларга қарши очиқ фронтда кураш олиб боришни бир мунча вақт орқага сурди. Сиёсатда эса “меҳнаткаш мусулмонларни” қўллаб – қувватлаш воситаси қўлланилди. Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил ноябр ойида Москва, Қозон ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган қатор мусулмон ташкилотлари съездларига ўзининг ижобий муносабатини билдирди².

Аслида юқорида қайд қилинган аксарият тадбирлар мусулмонларнинг янги ҳукуматга ҳайрихоҳлигини кучайтириш, бу билан ислом динига оз бўлсада ён бериш эмас, балки партиянинг ўзига хос “тактик” услуби эди. Ҳокимиятда тобора мустаҳкамланиб олган большевиклар ҳукумати тез орада совет давлати сиёсатини диний соҳага ҳам сингдира бошладилар. Жумладан, РСФСР ХКС ва БМИК (Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети) томонидан “Фуқаролик никоҳи, болалар ва далолатларни юритиш” (1917 йил 18 декабрь) ва “Никоҳни бекор этиш тўғрисида” ги (1917 йил 16 декабрь) қарорларининг қабул қилиниши оилада дин билан боғлиқ тадбирлар ўтказилиш асосларини емиришга хизмат қилди. Амалда фақат фуқаролик никоҳи ҳақиқий деб топилиши қайд этилди. 1918 йилнинг январидан эса диний ташкилотлар учун ҳукумат томонидан маблағ ажратиш бекор қилинди.

Совет ҳукумати томонидан 1918 йил 23 январда “Черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш тўғрисида” қарор эълон қилинди³. Ўша йили 20 ноябрда ТАССР халқ депутатлари совети ушбу қарорни ишлаб чиққан ва, диний ташкилотларни юридик объектга эгалик ҳуқуқидан маҳрум этди. Ушбу қарорга мувофиқ диний тадбир ва маросимлар жамоат ҳуқуқини

¹ Алексеев В.А. Иллюзии и догмы. М; Изд-во: “Политической литературы”, М.: 1991. – С. 27.

² Одинцов М. Жрибей пастыря // Наука и религия . 1989. -№ 4,-С.17.

³ Куроедов В.А. Религия и Государства; М: 1981. – С. 53.

бузмаслиги, фуқаролар осойишталигига путур етказмаслиги лозим эди. Россиядаги бўлгани каби Туркистондаги мусулмонлар диний эътиқоди билан боғлиқ барча масалалар Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлигига бўйсундирилди. Адлия халқ комиссарлиги қошида ташкил этилган махсус VIII бўлим 1918 йилнинг майидан бошлаб давлатни диндан ажратиш тадбирларини ўз зиммасига олди.

Таъкидлаш жоизки, советлар ҳокимияти шаклланган дастлабки йиллариданоқ ислом дини, мусулмон халқларига нисбатан муносабатни эҳтиёткорона тарзда амалга оширди. “Мусулмон” атамаси ортида собиқ Россия империяси чекка миллий ўлкаларида миллионлаб аҳоли истиқомат қилар, улар билан эса ҳали ожиз бўлган ҳукумат бевосита тўқнашувга бормаслик, янги ҳукуматга хайрихоҳлик қилиш кайфиятини юзага келтиришнинг ўзига хос ёндошуви керак эди. Мусулмонлар эътиқодига зид келадиган очиқ сиёсат юритиш охир-оқибатда совет ҳукумронлигига чек қўйилиши билан изоҳланар эди. Аҳоли ичида руҳоний ва муллалар таъсирининг кучлилиги эса совет давлати мутассадилар учун улардан ўз сиёсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ундар эди. Руҳонийларнинг маълум қисми октябрь тўнтаришидан сўнг коммунистик ва исломий ғоялар муштараклигини қувватлаб “Совет ҳокимияти ва шариат” деб ном олган сохта шиорни ўртага ташлади. 1918 йил январ ойи бошида “Уламо ташкилоти ўз мурожаатида ислом ва социализм ғоялари ҳамоҳанг бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаган эди. Совет давлатининг исломга нисбатан аввал бошдаги сиёсати, шунингдек, аҳолининг маълум қатламларида ҳам ишонч уйғотиб, 1917 – 1920 йиллар оралиғида Туркистонда советлар давлатига ишонч ва умид билан қараган кўплаб мусулмон – коммунистларнинг юзага келишига сабаб бўлганди.

1919 – 1920 йилларда масжидлардан вақф мулкларини тортиб олиш сиёсати ҳам кутилган натижани бермагач, кўп ҳолда масжидлар “инқилобий ғоялар” ни тарғиб этадиган жойлардан бирига ҳам айланиб борди. Шунингдек, совет судлари устунлиги мавқеини таъкидлаган ҳолда

большевиклар ҳукумати фуқаролик ишларини томонларнинг розилиги билан шариат асосида кўриб чиқиши мумкинлигини ҳам қайд этишга мажбур бўлган эди. Бу хусусда Туркистон Марказий Ижроия Комитети (ТуркМИК)нинг 1922 йил 6 майдаги қарори унинг узвий давоми бўлиб хизмат қилди. Унга кўра қозилик судлари амалиётга қайтарилди. Қозилар ва бийларни сайлаш, уларнинг хизмат доиралари, даражалари белгилаб қўйилди. Бироқ, қозилик судларининг ваколотлари чекланган бўлиб, уларнинг фаолияти учун совет ҳукумати томонидан ҳеч қандай маблағ ажратилмас эди. Тез орада бу чеклашлар ўсиб, 1922 йил декабрдан бошлаб қозилик судлари фаолиятига фақат 3 та: Фарғона, Сирдарё, Самарқанд областларидагина иш юритишга рухсат берилди. Шунда ҳам қозилик судлари эътиборига фақат умумий характердаги майда ишлар ҳавола этилар эди.

1922 йилдан бошлаб никоҳ, оила ва васийлик хусусидаги қонунларга ҳам янгиликлар киритилди. Унга кўра никоҳ ёши аёллар учун 16 ёш, эркаклар учун 18 ёш даражасига белгилаб берилди. Бу ўз навбатида хотин – қизлар масаласига ижобий муносабатни юзага келтирар, ёш турмушга бериш масаласига анча чек қўяр эди. Ундан аввалроқ Туркистон МИКнинг 1921 йил 14 июндаги декрети билан қалин пули олиш ман этилиб, уни бузган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди¹.

Совет ҳукуматининг вақф мулкларига нисбатан муносабати ҳам ўзгарди. 1921 йил августда бўлиб ўтган ТАССР Советларининг X съездида вақф мулклари икки қисмга бўлинди. Биринчи қисмга диний аҳамиятидаги мулклар, иккинчи қисмига маданий – марифий жабҳага тегишли мулклар киритилди.

Маҳалий аҳолининг ўзига хос диний – маънавий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 1921 йил январдан бошлаб жума куни дам олиш куни деб эълон қилинди. Шу давр тарихига назар ташланганда “Маҳкамаи шариа” хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бир гуруҳ тараққийпарвар мусулмон

¹ Маҳкамова Н. Ислам и власть... – С.148.

руҳонийлари 1918 йили ўз таъсирларини ўтказиш ва янги ҳукуматга ҳайрихоҳлик қилиш мақсадида “Маҳкамаи шариа” ташкилотини барпо этган эдилар. Кейинчалик тарқатиб юборилган бу ташкилот 1922 йилга келиб НЭП даврида қайта ташкил топди. Аввал бошида “Маҳкамаи шариа” совет давлатини асосан қўллаб – қувватлашини билдирди. Кейинчалик, яъни 1924 йил бошларига келиб бу ташкилот мақомини янада аниқлаштириш ва самарасини ошириш мақсадида у “Назорати диния” муассасига айлантирилди. Диний муассасалар ва ислом дини зиёратгоҳлари билан боғлиқ масалалар асосан унинг ихтиёрида бўлди. Юқорида қайд этилган ташкилот маркази Тошкентда бўлиб, таъсир доираси Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва бошқа ҳудудларга ҳам тарқалган эди. Шунингдек, унинг ихтиёрига эски мактаблар, масжидлар билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам бириктирилди.

Совет ҳокимиятига қарши аёвсиз қуролли курашлар, хўжаликни тиклаш ва маҳаллий аҳолини совет қурилишига жалб этиш, иқтисодий ва маданий ҳаётда барқарорликка эришиш мақсадида Туркистон АССР МИК 1922-1923 йилларда “юмшоқлик” сиёсати юритиб декретлар қабул қилди. Уларда масжид ва мадрасаларни вақфларга қайтариш масаласи кун тартибига киритилди. Туркистон АССРМИК томонидан 1922 йил 30 июнда қабул қилинган “Туркистон Республикасида масжид ва мадрасаларни вақфларга қайтариши ҳақида (№75) 1922 йил 28 сентябрдаги “Вақфлар ҳақида” (№73) 1923 йилдаги Вақфлар тўғрисида (№164) каби декретларда мадраса таълимига рухсат берилиб, вақфларга тегишли бўлган барча мулклар: қорихона, масжидлар, улар қошидаги мактаблар хонақоҳ, ғарибхона карвонсарой, дўкон, тегирмон кабиларнинг фаолиятига ижозат берилди. Вақфларни бошқариш “Вақфлар бош бошқармаси ихтиёрига берилди¹.”

Бир вақтнинг ўзида маданий – оқартирув ҳамда атеистик тарғибот ишлари ҳам амалга оширила бошланди. Мусулмон аҳоли ва оддий руҳонийларни партия сафларига қабул қилиш ҳам вақтинчалик характерга

¹ ЎЗРМДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1414-иш, 51-варақ.

эга бўлган. Аслида XX аср 20 – йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб бу амалиётга ҳам чек қўйилди. Диний уламолар ва диндорлар учун коммунистик партия сафларида жой йўқ эди.

Совет ҳукумронлиги дастлабки даврида олиб борилган диний сиёсат аввал бошда шундай даражада кечди. Шубҳасиз, бу янги ҳукуматнинг вақтинчалик ўзига хос ёндашув сиёсати бўлиб, тез орада ўзининг ҳақиқий мазмун – моҳиятини ошкор этди.

1928 – 1929 йилларда “Худосизлик учун кураш” компанияси авж олдирилди. 1929 йилнинг феввалида Ўзбекистонда “Худосизлар” журнали чиқарилди. 1929 – 1939 йилларда диний уламоларга ўнглаб бўлмас даражада зарба берилди. 1943 – 1956 йиллар диний сиёсатда алоҳида босқич бўлди. Бу тарихга “юмшоқлик” босқичи бўлиб кирди. Динга қарши кураш 1980 йиллар бошида кескин тус олди. Охир – оқибатда совет ҳокимиятининг диний сиёсати салбий жиҳатлар ва саҳифаларни ташкил этди¹. Динга қарши кураш 1980 йиллар бошида кескин тус олди. Охир оқибатда совет ҳукуматининг диний сиёсати салбий жиҳатлар ва саҳифаларни ташкил этди ҳамда ачинарли оқибатларга тўлиб-тошган лавҳаларда намоён бўлди.

¹ Юсупов Р. Ўзбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти. Тарих фанлари ном.дисс... . автореферати. Т.: 2008. – Б.13.

II.2. 1917-1990 йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж зиёрати

Юқоридаги бўлимларда мусулмонларнинг ҳаж зиёрати кўп қиррали омилларга, яъни сиёсий–иқтисодий ва маънавий жараёнлар билан боғлиқлиги, ислом динига муносабат, ўзгаришлари туфайли зиёратчиларга муносабат масалаларининг ўзгариб туриши динамикасида воқиф бўлинди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати Россия империясининг халқаро муносабатлари билан узвий даражада боғлиқ бўлган. Бу Туркистон генерал – губернаторлиги, Хива хонлиги, Бухоро амирлигининг, бутун Россия империясининг қўшни мамлакатлар: айниқса, Эрон Туркия, Афғонистон, Британия Ҳиндистони билан кўп томонлама муносабатларидан келиб чиққан¹. Иккинчидан, бу жараён иқтисодий омил билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, катта миқдордаги маблағ Шарқ мамлакатларига, асосан Саудия Арабистонига оқиб кетарди. Тўғри, Саудия Арабистони номи билан бир бутун давлат 1932 йилда ташкил топган, бироқ тарихий адабиётларда юқоридаги атамани, бу воқеликдан олдин қўллаш таомилга кирган. Ҳаж зиёратини адо этиб қайтган мусулмон вакилларнинг маънавий – ахлоқий дунёқарашида ўзгаришлар бўлиб, улар дунёни, ҳаётни бошқача идрок қила бошлаши ҳам муҳим нуқта эди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, Туркистон генерал – губернаторлиги даврида Макка ва Мадина ҳажига борувчилар сони кўп эди. Россия империяси мусулмончилик билан ҳисоб китоб қиларди.

Совет даврида эса Макка ва Мадина ҳажига бориш, ёхуд мусулмончиликнинг бу фарзини бажариш амалда назардан тушди. Юқорида кўрсатилганидек, марксча – ленинча методология асоси бўлган атеизм (дахрийлик) “Дин – халқ учун афюндин” – деган шиорни халқ оммаси онгига сингдиришига ҳаракат қилди. Динга муносабат мутаассиблик, эскилик сарқити сифатида қараш, деб ҳисобланади. Коммунистик мафкура

¹ Алимова Д. Шодмонова С. Из истории полонимства мусульман Центральной Азии в Мекку (конец XIX – начало XXI вв.) // O`zbekiston tarixi – 2011. - № 1. – С. 60.

хукумронлиги шароитида мусулмон аҳоли нақадар оғир турмуш шароитига тушиб қолди. Диний маросимларнинг таққлаб қўйилиши, мадраса ва масжитлар ёпилиши, ислом меъморий обидаларининг вайрон қилиниши, 1917 – 1924, 1925 – 1935 йиллардаги ҳарбий тўқнашувлар ўзбек халқи маънавий – маданий ривожига ўнглаб бўлмас зарбалар берди. Таъқиб ва тазйиқлар большевиклар томонидан диний уламоларга ҳам, мусулмон аҳолига ҳам ўтказилди. Мусулмон уйғониш даври моддий ва маънавий ёдгорликлари қаровсиз ҳолда қолиб ярим хароба ҳолатига келтирилди. Ўрта Осиё халқлари тарихи ўрганилар экан, 1920 – 1930 йилларда Фарғона водийси, Бухоро ҳудудларидан айрим йилларда 2 – 3 киши ҳаж зиёратига борганлиги кузатилади¹. Муаллиф билан шахсий суҳбатда “Ватан” жамияти муҳарри Аҳмаджон Луқмонов совет ҳокимияти йилларида ҳар йили СССРдан ўртача 20 кишидан 30 кишига қадар мусулмонлар ҳаж зиёратига боришини таъкидланди². Ҳаж зиёрати учун Макка ва Мадинага амаллаб етиб олган бармоқ билан санарли шахсларнинг ҳам айримлари Ватанга қайтмасдан, у ёки бу Шарқ мамлакатларидан бирида яшаб қолишган. Уларнинг кўпчиликлари Туркия Республикасини иккинчи Ватан сифатида танлашарди. Собиқ зиёратчилар Туркия шаҳарларида савдо – тижорат ишлари, ҳунармандчилик, ҳамоллик ва бошқа хизматлар билан шуғулланишган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939 – 1945 йй.) совет ҳукумати динга муносабатда “юмшоқлик” йўлини тутди. Мақсад фашизмга қарши курашда диний уламолар ва мусулмон аҳолини ўз тарафида туриши оғир дамда жамият яқдиллигига эришиш эди. Қолаверса, СССР мусулмон мамлакатлари билан яқинлашганди. 1943 йилдан диний расмий идоралар ташкил этилди³. Тошкент, Уфа, Боку, Бўйноқда ҳудудлар бўйича мусулмон бошқармалари ташкил этилди. Жумладан, Ўрта Осиё мусулмонлари дин бошқармаси (кейинчалик Ўрта Осий ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси) тузилди.

¹ Одилов А. Совет ҳукумронлигининг дастлабки йилларидаги диний сиёсат тарихидан.// ЎЗМУ хабарлари 2008. - №-2. Б.62.

² Дала ёзувлари; 1990 йил 15 апрель

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т:”ABU MATBUOT KONSALT”;2008.-Б.208.

Мазкур диний бошқармага ва Ўзбекистон ССР ҳукумати Маориф нозирлиги ҳузуридаги “Диний ишлар қўмитаси” га ҳаж зиёратига бориш учун расман ариза беришга рухсат этилди. Макка ва Мадина ҳажига бориш учун жуда кўп сунъий тўсиқлардан ўтиш керак эди¹. Шунинг учун зиёртачиларнинг йиллик ўрта сони озчилигича, бармоқ билан санарли бўлб қолаётган эди. 1944 йилда Совет Иттифоқидан ҳаж зиёратига борганлар сони 6 нафарни ташкил этди. 1953 йилда эса 23 киши Макка ва Мадина ҳажига бўлиб қайтганди. 1944-1953 йилларда ҳар йили ўртача зиёратчи мусулмонлар сони 15 – 18 нафардан ошмаган. Зиёратга бориб қайтган мусулмонларнинг 50 – 60 фоизини Ўзбекистон мусулмонлари ташкил этган². Албатта, кўп миллионли СССР давлати аҳолиси учун юқорида кўрсатилган рақамлар ўша давр учун, аҳамиятсиз, номигагина ҳаж зиёратини амалга оширишга рухсат берилганлигини кўрсатади.

Совет ҳукумати органлари ҳаж зиёратига ариза берган шахсларни (фуароларни) ижтимоий келиб чиқишига катта эътибор қаратарди. Зиёрат учун рухсат берилганларнинг асосий қисми диний уламолар, магазин мудирлари, қоровуллар эди. Ҳукумат аъзолари қолоқлик ва мутаассибликда айбланишдан, ўз эгаллаб турган мансабларидан ажралиб қолиш хавфидан қўрқиб ҳаж зиёрати учун ариза беришмасди. Ҳаж зиёратидан қайтган кишиларга ҳожи ош бериш, хатм – қуръон қилиш, ўзини билдириш амалда таъқиқланганди. Номигагина ишлаб турган 2-3 мадраса ва масжитларнинг хизматчилари ҳаж зиёратига юборилиш учун умумий рўйхатга киритилардилар. Аслида ҳаж зиёратига бориш истагини билдирганлар ва ҳукумат органларига ариза билан мурожаат қилганлар кўп сонли эди. Мусулмон аҳоли ҳар қандай тўсиқ, тақиқларга қарамай ариза беришда давом этаверган. 1961 йилда Макка ва Мадина ҳаж зиёратига бориш истаги билан 100 нафар мусулмон (Ўзбекистондан-Ш.Х.) мурожаат қилган. Узоқ текширувлардан кейин фақат 6 нафар мусулмонга ҳаж зиёрати учун рухсат

¹ Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлари фаолиятлари тарихи (1917 – 1950 йиллар) номзод. Диссертацияси автореферат. Т.: 2008. – Б. 12.

² Алимова Д. Шодмонова С. Ўша мақола. – Б. 61.

берилган¹. Ҳаж зиёратига юбориш мусулмонларнинг Диния Бошқармаси ихтиёрида эмасди, бу жараён ҳукумат ва СССР Давлат Хавфсизлиги (КГБ) идораси томонидан назорат қилинарди. Мусулмончилик қоидаларини бажариш билан боғлиқ удумлар 1970 – йиллар охири – 1980 – йилларда янада қатъий таъқиб остига олинди. Ўзбек халқи учун асрлар бўйи яшаб келган урф–одат ва анъаналар қолоқлик, диний мутаассиблик кўринишлари қолдиқлари сифатида қораланди ва амалда тақиқлаб қўйилди. Рўза ҳайити, Қурбон Ҳайити байрамлари нишонланмас, ҳатто, Наврўз ҳам диний байрам деб эълон қилинди.

1980 – йиллар бошида мусулмон одат ва маросимлари тақиқланди, ҳатто жаноза маросимлари ҳам ўтказилмай қўйилди. Айниқса, компартия аъзолари ва ҳукумат раҳбарлари ўзларини яқинлари жанозасига ҳам боролмай қолди. Зўровонлик йўли билан мусулмон урф–одатлари тақиқланиши ҳаж зиёратига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, 1960 – 1980 – йилларда ҳар йили ўртача 25 – 38 нафар мусулмон зиёратчи Макка ва Мадина ҳажида бўлиб қайтган холос². Ҳаж зиёратига бўлган аҳоли орасига махсус хизмат вакиллари киритилиб, улар қатъий жадвал асосида зиёрат арконларини бажаришар эди. Шунингдек, зиёратчиларнинг асосий қисмини диний муассаса ва диний ташкилотларда фаолият юритганлар ташкил этганлигини далиллар тасдиқлайди. Ҳукумат сиёсатида мафкуравий куч ва таъсир ўтказишдан ҳимояланиш мусулмон аҳолиси учун қийинчилик, руҳий азобларни юзага келтирганди.

Хуллас, совет ҳокимияти йилларида бутун СССР, жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг муқаддас шаҳарлар: Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати жаҳон жамоатчилиги кўзи олдида СССРни эркин ва озод халқлар иттифоқи қилиб кўрсатишдек сохта мақсадга қаратилганди. Совет давлати ислом динига, мусулмон аҳоли ва диний уламоларга муносабатда Чор Россиясидан ҳам бир неча бор ортиқ салбий муносабатда бўлди. Туркистон Россия

¹<http://WWW.Pegmum.ru/news/1162979.html>.

² Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро “Бухоро” нашриёти 2004. – Б. 106. (форс – тожик тилидан т.ф.д. проф. Ҳ.Ҳ.Тўраев таржимаси).

империяси таъсирида бўлган йилларда мусулмон зиёратчилар сони 5 – 7 минг нафарга етган бўлса, совет ҳокимияти йилларида уларнинг сони бир йилда бир неча ўн кишидан ошмаганлиги ушбу фикримизга асос бўлади.

III. Боб. Ўзбекистон мустақилиги йилларида мусулмонларнинг ҳаж зиёрати

III.1. Истиқлол йилларида ислом динига муносабатнинг ўзгариши ва ҳақиқий маънодаги виждон эркинлигининг тикланиши

Ислом дини маънавиятимиз сарчашмаси эканини ва унга муносабатда холисоналик мезони билан ёндашув Республикага биринчи раҳбар бўлиб И.А.Каримовнинг келиши билан боғлиқ. Чунки ҳали СССР деб номланган мустабид тузум мавжудлигидаёқ, яъни 1990 йил июн ойида Президентимиз “Мусулмонларини Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида”ги тарихий ҳужжатни имзолагандилар. Бу ўша давр учун катта жасорат ҳисобланар эди. Кўп ўтмай давлатимиз мустақилликни қўлга киритгач, халқимиз тарихида алоҳида ва муҳим ўрин тутган диний қадриятларга эътибор янада кучайди. Чунки, ўтмишини билмаган халқни келажаги йўқдир. Дин эса минглаб йиллар давомида халқимизнинг онгида, шуурида ва ижтимоий ҳаётида ҳам қонун, ҳам илм, ҳам эътиқод, ҳам ибрат, ҳам тарбия бўлиб келган. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов “... биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз, уни ҳеч ким ҳеч қандай куч ташвиқот билан чиқариб билмайди” деган эди “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида.¹ Президентимизнинг бу фикрлари Ўзбекистоннинг диний қадриятларига нисбатан қандай муносабатда бўлишини ифодалайди. 1990 йили Ўзбекистондан ҳаж сафарига 1500 киши жўнатилди, айти шу йилда муҳаддислик илмининг йирик намоёндаларидан бири Ат – Термизийнинг 1200 йиллик юбилеи нишонланган эди. Президент Ислом Каримов буюк аллома таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрикнома жўнатган эди.

¹ Каримов.И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.Т.: Ўзбекистон;1999.-Б.5-7.

Табрикномада шундай жумлалар бор эди: Ат – Термизийнинг азиз номлари ёруғ юлдуздай чарақлаб турибди.

Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари кенг миқёсидаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадриятини топаётир... “Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари серғалва давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий- маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади”.¹

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Хўш бу туб ўзгаришлар нималарда намоён бўлмоқда. Биринчидан, виждон эркинлиги масаласининг, давлат билан диний ташкилотлар ўртасида муносабат масаласининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилди. Бу ҳуқуқий негиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонундир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бутун жаҳон ҳамжамиятига мос келадиган андозалар, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида 1992 йил 8 декабрь, яъни мустақиллик қўлга киритилганидан бир йилдан ортиқроқ давр ўтганидан сўнг ҳар тамонлама мустаҳкам қилиб, унда гуманистик ғоялар ва интилишлар таъсирини кўриш мумкин.

Виждон эркинлиги нима? Виждон эркинлиги- бу фуқароларни ёки бу динга эътиқод қилиш ёхуд эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида зикр этилганидек, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”². Демак, бирор – бир

¹ У.Т.Жўраев Й.С.Саиджонов. Дунё динлари тарихи.: Ўзбекистон; 2001.-Б.25.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон. 1992.-Б.15.

киши бошқа одамларга сен у динга , сен бу динга эътиқод қилишга ҳақинг йўқ, сен динсизсан- деб айтолмайди ва у ёки бу ақидага бўй сунушга мажбур этолмайди. Ҳеч ким диндор кишини “Диний эътиқодингиздан қайтинг” деб мажбурлай олмайди. Динга ишониш ёки ишонмаслик, диндор ёки даҳрий бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бу қонуний ҳуқуқ Ўзбекистон Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, бу қонун 1991 йилда қабул қилинган эди. Кейинчалик 1998 йилда бу қонун қайта кўрилиб чиқилиб, янги таҳрирда бир оз ўзгаришлар киритилди ва ўша йилининг 1-майида кучга кирди.

Ушбу қонун 23 моддадан иборат бўлиб, 1- моддаси “ Ушбу қонуннинг мақсади” деб номланиб, қонунни асосий мазмунини ўзида акс эттиради ва шундай сўзлар ёзиб қўйилган: “ Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг Виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи динга муносабатидан қатъий назар фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат”.¹ Бу қонунда дин ва давлат муносабатлари аниқ кўрсатилган. Масалан Қонуннинг 5- моддаси “ Диннинг давлатдан ажратилиши”, деб номланиб, унга кўра “ Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон бир имтиёз ёки чекланишлар белгиланишига йўл қўйилмайди”.²

“Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини маблағ билан таъминлайди”.³

¹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрир) Ўзбекистон янги қонунлари . Адолат;1998.-Б.224.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диний ташкилотлар давлатдан ажратилмаган бўлса-да, улар жамиятдан ажратилмаган. Бинобарин, диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Диний ташкилотларнинг ходимлари ҳам барча фуқаролар билан баробар сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги қонунда фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тўла рўёбга чиқарилмоқда. Барча диний уюшмаларга, жамоаларга қонун доирасида очик ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилмоқда.

“Бугунги кунда кўп миллатли Ўзбекистонда 2032 та диний ташкилотлар давлат рўйхатига олиниб, фаолият олиб бормоқда. Шулардан: 1857 таси ислом, 32 та рус православ черкови, 23 та евангел христиан баптистлар черкови, 21 та тўлиқ инжил христианлар черкови, 3 та католик черкови, 4 та евангел лютеранлар диний жамоаси , 10 та еттинчи кун Адвенстлар черкови, 4 та “Новоапостол” черкови, 1 та “Арманлар” диний ташкилоти , 7 та “Бахоийлар” жамоаси диний ташкилоти, 8 та яҳудийлар диний жамоаси, 2 та “Кришнани англаш” диний жамияти 58 та корейс пресвитерианлар черкови, 1 та библия жамияти, 1 та буддизм ва ҳоказо, шунингдек, диний ташкилотлар давлат рўйхатига олиниб фаолият олиб бормоқда”.¹

Учинчидан Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиниб, ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини тарихий обидаларини диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки: ислом оламидаги зиёрат қилинадиган тарихий обидаларни шартли равишда 2 га бўлиш мумкин:

Биринчидан: бу ислом оламида юксак маънавий мерос қолдирган буюк уламоларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар бўлса.

¹ Нишонбобоев.А. “Диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолати// Қонун ҳимоясида” .2002.№ 3.- Б.16.

Иккинчиси: бу ислом оламида ўзларини мўъжизавий кароматлари ва башоратлари билан халқ орасида муқаддас ҳисобланган афсонавий шахслар, кайсиким, саҳобалар, пайғамбар авлодлари, шайхлар, валийлар ва сўфийларнинг номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлардир. Бухоро вилоятида бундай зиёратгоҳлар 100 дан ортиқ бўлиб, улар кўпчиликка маълум.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига биноан масжидлар диний ташкилот ҳисобланади. Шу қонуннинг 11-моддаси “Диний ташкилотларни рўйхатга олиш” деб номланиб, унга кўра: “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги, вилоятлар, тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади”.¹

Тўртинчидан, дин арбоблари ва руҳонийлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Диний ташкилотларга ўз даврий матбуотларини чоп этилиши сезиларли кўпайди. Хусусан, Қуръони Карим ва ҳадислар ўзбек тилига таржима қилиб чоп этилди. Масалан; аҳолининг кенг қатламлари орасида ҳақиқий исломий билимларни тарқатиш, уларнинг диний саводхонлигини ошириш, ёт экстремистик ғояларни ташувчи турли шаклдаги асарлар кириб келишининг олдини олишда оммавий ахборот воситалари ва илмий-оммабоп адабиётларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб:

- 2000 йилда Тошкент Ислом Университети қошида диний- маърифий кўрсатувларни ташкил этиш, ёшларда инсонийлик ватанпарварлик илм олишга интилиш туйғуларини кучайтириш, юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатувлар таёрлаш мақсадида “Зиё” студияси ташкил этилди.

¹ Ўзбекистон янги қонунлари-Т.: “Адолат”1998.-Б.225.

- Зиё студияси орқали кўрсатувлар тайёрлаш ва уларга ёш иқтидорли имомларни жалб этиш учун малакавий ва нотиклик санъатига эга бўлган 10 нафар ёш имомлар танлаб олинди ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан доимий тарбиявий – ғоявий ишлар олиб борилмоқда.

- “Она ва болалар йили” муносабати билан “Зиё” студиясида аёлларга бағишланган “Жаннат оналар оёғи остидадир”, гиёҳвандликнинг зараларини очиб берувчи “Аср вабоси” кўрсатувлари тайёрланди.

Ўзбекистон мусулмонлар иродаси ўзининг нашр органлари: “Ислом нури” ҳафталик газетаси ва “Ҳидоят” диний-ижтимоий журнаliga эга. Идора хузурига “Мовароуннаҳр” нашриёти фаолият кўрсатмоқда.

Диний адабиётларни таҳлил қилиш ва хулосалар бериш бўйича кенгайтирилган экспертлик ҳайъатининг Низоми ишлаб чиқилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

Биринчи бор “Чўлпон” нашриётида, 1991 йили “Қуръони Карим”нинг Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилган таржимаси асосида ўзбек тилида чоп этилди. Кейинчалик, 2001 йилда “Ислом Университети нашриёти”да Абдулазиз Мансур таржимаси асосида “Қуръони Карим”нинг ўзбек тилидаги нусхаси чоп этилди. 1991- 1996 йиллар давомида Қомуслар бош таҳририяти томонидан Имом Ал-Бухорийнинг ишонарли ҳадислар тўплами яъни “Жомеъ ас Саҳиҳ”ни 4 та жилди нашр этилди. Мустақилликнинг 23 йили давомида дин соҳасида амалга оширилган ислохотларни акс эттирувчи “Ислом зиёси ўзбегим сиймосида” номли суратли китоб нашр этилди. Дин соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар ёрдамчи қўлланма сифатида “Қалтис саволларга холис жавоблар” рисоласи нашрдан чиқарилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган диний ислохотлар билан жаҳон афкор оммасини таништириш мақсадида “Ўзбекистонда диний муносабатлар” рисоласи ўзбек, инглиз, араб ва рус тилларида чоп этилиб, хориждаги элчихоналаримиз орқали тарқатилди,

интеонет тизимида Ўзбекистонда диний муносабатлар, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик ҳақида ҳикоя қилувчи материалларнинг бериб борилиши йўлга қўйилди. Ўзбекистон Ислом Ф нашриёти бўлган бироқ, чоп этилиши тўхтатилиб қўйилган “Ислом нури” газетаси ва “Ҳидоят” журнали мазмун ва шакл жиҳатдан янги юқори савияда чоп этила бошланди. Уларда мамлакатимиздаги мусулмонлар ҳаётига доир мазмунли мақолалар , ҳамда эътиқод эркинлиги ҳақида материаллар бериб борилмоқда.

Бешинчидан: ҳамюртларимиз ҳажга ва умрага Макка ва Мадина зиёратига, диний фарзни адо қилишга бориб келмоқдалар. Биргина мисол: агар 1980йилларда бутун Собиқ шўро иттифоқи бўйича 25-30 киши борган бўлса, 1991 йилда 1500 киши, 2000 йилда 4 мингга яқин киши ҳаж сафарига борган. Ҳар йили биргина Бухоро вилоятининг ўзининг 800-1000 га яқин киши ҳаж ва умра сафарига бориб келияптилар. Мустақилликка эришганимиздан бошлаб ўтган вақтда давлатимиз фуқароларидан 32 минг киши муқаддас ҳаж сафарини адо этдилар. Мусулмонларнинг ҳаж сафарига боришини Ўзбекистон Республикаси давлат аҳамиятига молик ҳисоблаб ҳар йилги ҳаж сафарларини давлатнинг ўзи ташкиллаштиради, уюштиради, назорат этади. Давлатимиз томонидан ҳаж сафарига борувчиларга алоҳида қулайликлар яратилади.

Олтинчидан: Республикамизда муқаддас Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб, эълон қилинди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Рўзи ҳайитини дам олиш куни” деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан шундай дейилади: “Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб, ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам, Рўза ҳайитни биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин”. 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда рўза ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонламоқда. Ҳайит кунлари мусулмонларимиз бемалол намозларини адо қилиб, бири-бирларининг ҳол-аҳволларидан хабар олмоқдалар.

Еттинчидан: диний ташкилотлар халқаро алоқаларни кенгайтириш имкониятига эга бўлдилар. Бу ҳақда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, бу модда “Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари” деб номланади.

Қонунда жумладан шундай сўзлар бор: “Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир”¹.

Дин ишлари бўйича қўмита республикадан ташқаридаги муқаддас жойларга зиёратлар ташкил этиш, диний ўқув юртларида таълим олиш, малака ошириш, ўзаро тажриба алмашиш учун фуқароларни чет элларга юбориш, ажнабий фуқароларни ўқишга қабул қилиш, халқаро анжуманлар ўтказиш ишларини амалга оширади.

Дин ишлари бўйича қўмита дунёдаги 40 дан ортиқ мамлакатларнинг , диний идоралари, хайрия жамғармалари ва ўқув юртлари билан икки томонлама алоқалар ўрнатган, 1997 йилда қўмита ходимлари Ислом конфессияси мамлакатлари дин ишлари Вазирларининг Жакарта конференциясида 2000 йилнинг 27-28 май кунлари Москвада ўтказилган “Россия мусулмонларининг янги минг йилликдаги истиқболи” Халқаро ислом форумида, 2000 йилнинг август ойида БМТ ташаббуси билан Нью-Йоркда ўтказилган диний ўтказилган диний раҳбарларнинг янги минг йиллик саммитида, 2000 йил сентябрида ЮНЕСКОнинг Жаҳон динлари тинчлик мулоқоти йўлида” Тошкент конференциясида иштирок этдилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси 30 дан ортиқ мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатган.

АҚШ мусулмонлари кенгаши раҳбарлари Қаббоний ва Ҳаққоний, Мисрдаги “Ал-Азҳар” Университети шайхи Панжовийларнинг

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари, №19 Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида.-Т.: -Адолат; 1998.-Б.234.

мамлакатимизга ташрифи ташкил этилган. 2001 йил апрел ойининг бошларида АҚШ олий Ислом кенгаши раиси Мухаммад Хошом Қаббоний ва дунё Нақшбандий тариқати издошларини рахнамози Шайх Мухаммад Назим один Ал-Ҳаққоний бошчилигидаги делегация аъзоларини ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси президенти қабулида, ташқи ишлар вазирлигида ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари қўмитаси бўлишлари муҳим бўлди. АҚШ Олий Ислом кенгаши делегацияси Тошкент Ислом Университетида ҳам бўлиб, ўқитувчи ва талабалар билан учрашиб, университет ўқув хоналари билан танишиб, бу ерда талабаларнинг диний ва дунёвий ишларини қунт билан ўрганиш учун зарур шарт-шароитларни яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон муқаддас юрт. Биз бу ерга келганимиздан бағоят хурсандмиз, дейди АҚШ Олий Ислом кенгаши раиси, Ўзбекистонда инсонларга диний эркинлик бериш, шу юртда туғилиб вояга етган ва ислом дунёсида ўзининг илмий ва ақлий салоҳияти билан донг таратган ота-боболаримиз қабрларини ободонлаштираётганингиз, таваллуд кунларини нишонлаётганингиздан хабарим бор. Бу хайрли ишларингиз бошида Президент Ислом Каримов тургани қувонарли. Шунингдек, юртбошингизнинг мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш керак. Қаердаки диний номутаносиблик бўлса, шу ерда нотинчлик, миллатлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Ўзбекистон бундай таҳдидлардан йироқ¹.

Саккизинчидан: Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар қўмитаси ташкил этилди. Тошкент Ислом Университети, Ҳалқаро Ислом тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 мартдаги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита тузилди. У фуқароларнинг динга муносабатларидан катъий назар, уларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқларини,

¹ Истиқлол берган имконият//Халқ сўзи;2001 йил 6 апрель.

барча динлар, диний мазҳаблар ва эътиқодларнинг тенглигини таъминловчи конституциявий кафолатларни ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг талабларини бажаришга, шунингдек давлат органлари билан диний марказлар ва ташкилотларнинг алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришга қаратилган давлат органи ҳисобланади.

Қўмита таркибий тузулмасидан “исломий ташкилотлар билан ишлаш”, “диний таълим”, “конфессия билан ишлаш ” ва экспертиза ҳамда халқаро алоқалари мавжуд.

2000 йилнинг апрел ойидан шу йилнинг сентябригача “Дин ишлари бўйича қўмита” ва “Ўзбекистон мусулмонлари идораси” ҳамкорлигида масжид имомлари ва ноиблари учун малака ошириш курслари Тошкент Ислом Университетида ташкил этилди. Унда 1535 та имом ўз малакасини оширди. Уламолар Кенгаши қарори асосида махсус хайъат тузулиб, 1043 та имом аттестациядан ўтказилди, 443 таси шартли ўтди, 49 имом аттестациядан ўтказилмади. Уларнинг ўрнида ёш малакали ва иқтидорли имомлар тайинланди.

Республикада фаолият кўрсатаётган масжидларни малакали имомлар билан таъминлаш мақсадида диний таълим муассасалари битирувчиларини мақсадли тақсимлаш натижасида масжид имомларининг 7% дан 20% олий, 15% дан 37% ўрта махсус маълумотли бўлишга эришилди. Имомларнинг қолган 43% бошланғич маълумотли. Уламолар кенгаши қарори остида улар аттестациядан ўтказилди ва вақтинчалик гувоҳномалар берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тошкент шаҳрида “Қўқалдош” Наманганда “Мулла Қирғиз” ва Урганчда “Фахриддин ар-Розий” ислом ўрта махсус билим юртли фаолият юрита бошлади.

1999 йил 7 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонида асосан Тошкент Ислом Университети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафий диний

конунчилик, иқтисод ва тиббий фанлар факультетларига 100 дан ортиқ талабалар қабул қилинади. Университет қошида “Исломунослик илмий тадқиқот маркази,” манбалар хазинаси ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳри ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний тарихи ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро Ислом таълимоти ва фалсафасиничуқур ўрганиш мақсадида Халқаро Ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий қадриятларимизни ва ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори атиқалар тарихини ўрганиш нодир кўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар таёрлаш ва нашр қилишдан иборатдир. Мамлат телевиденияси орқали берилаётган “Маърифатнома” кўрсатуви халқнинг маънавиятини юксалтиришда диний-маърифатни юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Тўққизинчидан, машҳур диний арбобларнинг хотиралари улуғланмоқда, уларнинг таваллудига бағишланган юбилейлар ва анжуманлар катта тайёргарлик билан кенг кўламда ўтказилмоқда.

Президент И.А.Каримов буюк аждодларимизни кенг кўламда улуғлуш масаласида шундай деган эдилар: “Халқимизнинг тарихий хотираси ажойиб номларга бой. Кўпгина алломаларимиз маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларининг ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари халқ хотирасида ва унинг тақдири муносиб давом этишга ҳақлидир”.

1993 йилнинг 16-18 сентябр кунлари тасаввуф илмининг султони ислом дини софлиги йўлида хизмат қилган таълимотяратувчиси буюк бобокалонимиз Сайид Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбелейи нишонланди.

1389 йилда 73 ёшда вафот этган Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Орифонда дафн этилган. Бу зотнинг мозори узоқ йиллар давомида нажотбахш муқаддас қадамжолардан бири бўлиб келган эди. Шўро даврида эса бу жой ташландиқ ҳолга келтирилган эди. Эл азиз тутган аллома номи халқ хотирасидан ўчиришга маҳкум этилган эди. Бироқ, одил вақт ҳеч қандай куч халқнинг тарихи ватарихий хотирасини йўқота олмаслигини яна бир қарра исботлади.

1991 йилнинг декабр ва 1992 йилнинг октябр ойларида Президент И.А.Каримов авлиё мақбарасига зиёратга келганлар. Иккинчи зиёрат санаси улуғ авлиё ва муборак донишманд номининг абадий тикланиши хотираси халқимизга қайтариш санаси ҳисобланади. Чунки ўша йилнинг 4- ноябрида Республика Вазирлар Маҳкамаси “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳақида” қарор қабул қилди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги муносабати билан ўша кезлар Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг нашри бўлмиш “Ислом нури” газетаси бундай ёзган эди: “Тасаввуф- бу, содда қилиб айтганда, ислом динимизнинг асосий манбалари бўлмиш Қуръони Карим ва Суннати Набавияда келган улуғ инсоннинг фазилатлари одоб ва ахлоқни юксак даражаларга кўтаришга ёрдам беради. Аллоҳнинг муҳаббатини дунё ва барча борлиқ муҳаббатидан устун қўйишга ўргатилган, барча разил сифатлардан покланишга олиб келадиган бир таълимот демакдир”.¹

1993 йил- тасаввуф илмининг яна бир йирик намоёндаси Ахмад Яссавий йили деб эълон қилинди.

1993 йилнинг 23-24 октябр кунлари Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан дунё муҳаддисларининг имоми, султони улуғ юртдошимиз Имом ал Бухорий номи билан аталиши, 4 жилдлик “Ҳадис” яъни “Ал Жомеъ ас – Саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) тўпламлари, шунингдек, “Ал-адаб-алмуфрад”(“Адаб дурдоналари”) китобининг ўзбек тилида нашр этилиши, 1992 йилда Президентимиз И.А.Каримов Саудия Арабистонига борганида,

¹ Ислом нури, газетаси 1993 декабр сони.

уни бу давлат подшоси Фахд ибн Абдулазиз хазрати олийларининг эҳтиром ифодаси сифатида ютрбошимизга ҳадя қилган Каъбатуллоҳ устига ёпилган Кисва- каъбапўшнинг бир парчасининг президентиимз Имом ал- Бухорий масжидига тортиқ қилганлиги, буюк алломанинг ёрқин хотирасига кўрсатилган юксак ҳурмат белгисидир.

Ҳадис имлининг султони, ислом динининг бешиги-Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи –Мунаввара аҳлининг дин пешволари ва олимларининг таҳсинига сазовор бўлган Имом ал-Бухорийнинг хотирасини улуғлаш иши билан чекланиб қолгани йўқ.

1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги нишонланди. Улуғ аллома хотирасига бағишлаб Самарқанд вилоятининг Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик обидаси бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги “Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий –қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида алломанинг мақбараси ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа пойдевори 1998 йил бошларида қўйилди, ва меъморчилик тарихида ўта қисқа муддат, яъни 8 ой ичида қуриб битказилди: Бу мажмуа 1998 йил 23 октябр жума куни очилди.

“Бу ёдгорлик мажмуи ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал Бухорий таваллудининг хижрий 1225 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шахрисабз халқ усталарининг олтин қўллари билан барпо этилган”¹.

Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Самарқандга жаҳоннинг 40 га яқин давлатидан, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар келишди.

Президенти Ислон Каримов Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлади. Ўз нутқларида

¹ Меъморий мажмуанинг лавҳасидан кўчирма, 2014 йил 3 январь

юртбошимиз жумладан, куйидагиларни таъкидлади: “Буюк ватандошимиз башариятига тенгсиз маънавий меърос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи энг ишонарли ҳадислар тўплами –“Ал-Жомеъ ас Саҳиҳ” ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра у башарият томонида битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб одамлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда. Озодлигимиз шарофати билан Ал-Бухорийдек улуғ аجدодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртбошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда. Озодлигимизнинг дастлабки йилларидаёқ биз Имом ал-Бухорий макбарасини ул зотнинг шаъни шавкатиға муносиб ён атрофи мунаввар гўшаға зиёратға келган мўмин мусулмонларға руҳий-маънавий куч этадиган қадамжойларға айлантиришға ният қилган эдик. Шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёға таниладиган ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсоннинг ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишиға ишонаман”¹.

2002 йилнинг 16 ноябрида Марғилон шаҳрида Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоёндаси, нафақат мусулмон олами, айни пайтда бутун дунё эътироф этган, ўзининг ноёб ақл заковати билан ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мероси билан юртимизни дунёға танитган буюк боболаримиздан бири Шайхул Ислом Бурхониддин Марғилоний таваллудининг 910 йиллиги, 17 ноябр куни эса Самарқанд шаҳрида ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатуачи” деган юксак шарофатға сазовор бўлган. Калом илмининг султони, яна бир бобомиз Имом Мотрудий таваллудининг 130 йиллиги нишонланди.

¹ Дунё динлари тарихи, Тошкент Ислом Университети, нашриёти: Т.;,2001.-Б.22-23

Шу муносабат билан бу икки шаҳарда буюк боболаримиз хотирасига бағишлаб тикланган юдгорликлар мажмуи очилди. Тантаналарда улуғ боболаримиз таваллуд тўйларининг ташкилотчиси мамлакатимиз Президент И.А.Каримов нутқ сўзладилар. Бурхониддин Марғилоний таваллуди муносабати билан бошланган юбилей тайёргарликларда Риштон шаҳридаги Чиннигорон маҳалласида Аллома мақбараси жойлашган “Соҳиби Ҳидоя шаҳристони обод қилиниб, янги зиёратгоҳ мажмуи бунёд қилиниб, халқ ихтиёрига топширилди.

Мустақиллик йилларида буюк сўфий алломаларни юбилейлари нишонланиб, уларни номи билан зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Масалан: Хожа Ахрори Валийнинг 590 йиллиги, Аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллигини, Сўфи Оллоёрнинг 355 йиллиги юбилейлари, Абдухолик Ғиждувонийнинг таваллудининг илмий амалий анжуманлари ўтказилди. Президентимизни маънавиятни тежаш мумкин эмас, деган таъкидлари мақбаралар кўринишларда ҳам ўз тасдиғини топди десак хато қилмаган бўламиз. Ўтган 10 йиллик вақт давомида давлат томонидан 16 меъморий ёдгорлик таъмирланиб, диний мадрасалардан фойдаланишга топширилди. Бу қурилишлар учун жами 3 миллиард 13 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди. Хуллас, ислом дини ва исломий обидаларга эътибор юксак даражада бўлганлигига истиқлол даври тарихи гувоҳ.

Ўзбекистон Республикаси диний қадриятларга бўлган эътиборини тикланишини тарбиявий аҳамияти ҳақида Президентимизни Бурхониддин Марғилоний ва Имом Мотрудий боболаримизни таваллуди тантаналарига сўзлаган нутқларидаги қуйидаги жумлалардан ортиқ таъриф бериш жуда қийин.

“Ул зот (Бурхониддин Марғилоний) ўзи яратган асарларида ўша замонларда мўмин –мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан оилавий- ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва маъсулиятларига таълуқли кўп-кўп мураккаб масалаларни, исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган”.

“Бурхониддин Марғилонийнинг бизга қолдирган улкан мероси, эришган шон-шуҳрати замирида аввало унинг ибратли ҳаёти пок эътиқоди , олийжаноб инсоний фазилатлари мужассам”.

“Энг муҳими , қандай ўлмас мерос эгалари эканимизни ҳеч қачон унутмаслик, ана шундай бойликларни кўз қорачиғидай асраб, авайлаш ва ривожлантириш, бир сўз билан айтганда улуғ аجدодларимизга муносиб ворислар бўлмиш саховатли ва гўзал заминда яшаётган ҳар бир инсон учун қарз ҳам фарздир”¹.

“Имом Мотрудийнинг меросини нима учун улуғлаймиз нима учун кадрлаймиз, нима учун бугун ҳам бу мероснинг ҳаётий таъсирини сезамиз?”

“Улуғ зот беқиёс ақл заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб боради”

“Имом Мотрудийнинг таълимоти инсонпарварлик моҳиятига кўра, инсоният тараққиётини яхшилаш, поклик сари, адолат сари йўналтиришларга одамларни миллати, тили, динидан қатъий назар ўзаро аҳил баҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этади”. Қайд қилиш жоизки 2003 йилнинг ноябрида Хожа Бахоуддин Нақшбандийнинг маънавий устози, Бухоро етти пирларидан бири Абдухолиқ Гиждувонийнинг юбилейлари нишонланди. Шу муносабат билан алломанинг Гиждувон шағрида мақбараси улкан иншоотга айланиб, зиёратгоҳи вужудга келтирилди. Бухорога Президентимиз ташриф буюриб, хорижлик меҳмонлар ва юбилей иштирокчилари олдида нутқ сўзладилар. Хуллас дин ва диний ташкилотларга муносабат истиқлол йилларида умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан қаралгани муҳимдир. Шунингдек, муқаддас қадамжолар дунё мамлакатларидан минглаб мусулмонлар учун ҳам зиёратгоҳларга айланди. Шу ўринда бошқа динларга муносабат ҳақида ҳам фикр юритмоқчимиз.

Республикамызда бошқа динларга муносабатни ўрганар эканмиз, энг аввало бу муносабатларни мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга эканлигини қайт этиш ўринлидир. Масалан шуни келтириш мумкинки, бошқа дин

¹ Дунё динлари тарихи 9//Тошкент Ислон Университети нашриёти. Тошкент; 2001.-Б.26-27

вакилларининг ҳуқуқлари Республикамиз конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун билан муҳофаза қилинади, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси 505-1 сонли қарори билан ратификация қилинган “Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Декларация” асосида динлар ўртасида низолар келиб чиқишини қонунга асосан олди олинган.

Иккинчидан, Ўзбекистонда яшаётган 136 та яқин миллат ва элатларнинг узок даврлардан бери ҳамжиҳат бўлиб яшаб келаётганини тарихий-маънавий асосини ўрганиш лозим.

Бизга маълумки Ўзбекистон халқи миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоялари, жумладан “Миллатлараро тотувлик” ва “Диний бағрикенглик” ғоялари бугун ёки жаҳон ҳуқуқи меъёрлари асосидагина яратилмаган бўлиб, давлатчилигимиз тарихи, ҳалқимиз маънавий қиёфаси, менталитетидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этилди.

“Миллатлараро тотувлик ғояси-умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”¹.

“Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатларда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир”. Бу ғоя жамиятда яшаб ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли хил миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва унга ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Бундан ташқари

¹ Дунё динлари тарихи // Тошкент Ислон Университети нашриёти. Тошкент: 2001-Б. 26-27

Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомад килувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари ва динлари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Байналминал маданият” маркази ташкил этилгани мисол бўла олади. Ўшанда 12 та миллий маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 100 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқишлари учун имкониятлари яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларга бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатувлар ва радиоэштиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир”.

“Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади”¹.

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамасдан динларнинг кўриниши хилма-хилдир. Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда, умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб, жаҳон динлари ҳам мавжуд.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр шавқат, биродарлик ва бағрикенгликга даъват этади. Жаҳондаги барча йирик динлар бу дунёни фоний ўткинчи ҳисоблайди. Улар инсоннинг яшашидан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб , боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига

¹ “Миллатлараро тотувлик ғояси”. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча тамойиллар:.” Янги аср авлоди”2001.-Б.166-167.

сазovor бўлиш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти мазмуни, кишилар ўртасидагисий ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрганиш масаласи озми кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир Ватандошларимиз айниқса, ёшлар аввало, динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чуқур билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларини кўзлаб юрган кучлар йўлдан чалғитолмайди. Хуллас, истиқлол туфайли юртимизда дин ва эътиқод эркинлиги қарор топди. Халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошди.

III.2. Мустақилик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ҳаж зиёрати

1989- йилнинг июнь ойида И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси биринчи раҳбари лавозимига чиққанидан сўнг барча масалаларда тенглик муносабатлари ўрнатила бошланди. 1990-йилда собиқ СССР да “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида” қонун қабул қилинган эди.

Мазкур қонун туфайли диний эътиқоддаги кишилар, уламолар ижтимоий-маданий ҳаётда барча билан тенг ҳуқуқда иштирок эта бошладилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния Бошқармасининг 1989 – 1991- йилларда “Совет Шарқи мусулмонлари” номли журнали араб ва кирилл имлосида 25 минг нусхада, араб, форс ва инглиз тилларида 50 минг нусхада нашрдан чиқиб турди. 1990- йилдан бошлаб ҳар ўн беш кунда араб ва кирилл имлосида “Ислом нури” газетаси ҳам чоп этила бошланди¹. Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мусулмон аҳолига исломга, диний қадриятларга ҳурмат-иззат кучайганлиги туфайли илиқлашди. Ўзбекистонга ва Диний Бошқармага Мадалиий ибн Абдулла, Абдулқодир Муҳаммад Солиҳ, Абдуҳаким халифа Бухорий, Абдуллажон Намангоний, Собир Ҳасан, Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Марғуб, Фахруддин Намангоний, Фазл Мақсуд Фазлҳамид, Абдулқодир Марғиноний каби Саудия Арабистоннинг Тоиф, Жидда Макка, Мадина, Робиғ шаҳарларида яшовчи ватандош ўзбеклар ташриф буюрдилар. Улар ўз қавм – қариндошлари, ҳамда ўзбекистонлик мусулмонларни ҳаж зиёратига таклиф қилдилар, зиёратчиларга шарт – шароитлар яратиб беришда беғарз ёрдам кўрсатиш истагини билдирдилар. 1989 – 1990- йилларда ҳожилар билан Саудия Арабистонидан Ўзбекистонга 1 миллион нусха мусулмонларнинг муқаддас китоби “Қуръон” ва моддий ёрдам совғалари юборилди.²

¹ Ҳайитов Ш. Собиров Н. Легай А. Хориждаги ўзбеклар -Т.: Фан; 1992. – Б. 86.

² Эсиргап Боли ўғли Жўшқин. Ҳожилар. // Халқ сўзи, 1990 йил 4 январь.

Айниқса, 1990- йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 525 нафар юртдошларимиз (шулардан 12 нафари аёллар – Ш.Ҳ.З.А.) Макка ва Мадина шаҳарларига муқаддас ҳаж зиёратида бўлдилар. Саудия Арабистонига ҳаж зиёрати ва у билан боғлиқ маросимлар 1990 - йилнинг 19 июнидан 10 июлига қадар Макка ва Мадинада бажо келтирилган. Зиёратчи ватандошларимиз бир пайтлар, яъни 1930 йилларда Ўрта Осиё миллати вакиллари (асосан Ўзбекистон) томонидан бунёд этилган Маккадаги “Андижон боғчаси”, “Чуст такаси” деган номлар билан аталган мусофирхоналарда истиқомат қилишганди. Илк бор расмий йўл билан ҳаж зиёратида бўлиб қайтган Лукмонхўжа ўғли Аҳмадхўжа: “Биз борган кунгек асли бухоролик, Саудия Арабистони фуқароси Раҳматулло (Раҳматулло Ташкандий- Ш.Ҳ.,З.А.) исмли кишининг такахонасига бориб жойлашдик. Шунингдек, Муҳаммад Амин Самарқандийнинг хонадонига бўлдик. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги, Мадинадаги “Жомеъ” бош мударриси Олтинхонтўра Муҳаммад ал – Таррозийнинг меҳмони бўлдик”¹ – деб эслайди. Ўша пайтда Бухоро шаҳридаги “Мир Араб” мадрасаси илмий котиби бўлиб ишлаган Ҳожи Абдурахим: “Мен ҳаж сафари давомида Муҳаммад Ҳасан Қори Бухорий, Абдул Ҳоди Тошкандий, Абдул Қодир Марғиновий, Ёқубхўжа Йўлдош Маҳжурий, Муҳаммад Салим, Нуриддин Маҳсум, Муҳаммад Зариф Ҳабибулло, Нурилло, Раҳматилло, Муҳаммад Одил, Абдулҳаким Бухорий Холид Нажмиддин, ҳамда ҳамқишлоғим, 106 ёшли отахон (1990 йилнинг июль оyi) Дадахон ҳожи Намангоний ва у кишининг ўғли Муҳаммадхон Дадахон каби ўнлаб ватандошлар билан суҳбатлашдим”² – деб хотирлайди.

Саудия Арабистонига ҳаж зиёрати билан борган миллатдошларимизни 400 – 500 минг сонли муҳожир ўзбекларнинг аксарияти кўзда ёш билан қучоқ очиб кутиб олганлар, зиёратчиларга юксак эҳтиром кўрсатилиб меҳмоннавозлик кўрсатилган, улар ўзбекистонликлар ҳеч қандай

¹ Ҳайитов Ш ва б. Хориждаги ўзбеклар... Б. 88 – 89

² Халқ сўзи, 1990 йил 4 август; Ҳайитов Ш. ва б. Хориждаги ўзбеклар. –Б. 89.

мусофирхоналарга, қийинчиликсиз меҳмонхоналарга жойлаштирилган, зиёратчиларга китоблар совға қилинган. Дўкандор, савдогар арабистонлик ўзбеклар Ўзбекистон билан тижорат қилиш таклифларини билдиришган.¹ Дастлаб ўзбекистонлик зиёратчилар Тошкент Исломобод – (Покистон) – Жидда (Саудия Арабистони) йўналишидаги ҳаво лайнерлари хизматидан фойдаланишди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан сўнг ҳаж зиёратини самолётда Ўзбекистон - Саудия Арабистонни қироллиги йўналишида тўғридан – тўғри амалга ошириш имконияти яратилди. Ҳозирги даврда ҳар йили “Ҳаж” ва “Умра” арконларини бажариш учун 10 минг нафар ўзбекистонлик мусулмон йўлга чиқади. Мустақилликнинг ортида қолган 20 (1991–2010 йиллар) йили даврида 65 минг нафар ўзбекистонлик мусулмон ҳаж зиёратига, қарийб шунча сонли халқимиз вакиллари “Умра”га бориб келдилар².

Саудия Арабистони ҳукумати Ўрта Осиё ва Қозоғистон (Марказий Осиё)дан ҳаж зиёратига борган мусулмон вакиллар учун қулай шарт – шароитлар яратиб беришига эътибор қаратди. 2009 йилда Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармаси идораси билан Саудия Арабистонидаги “Аль – Мавалда” компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий компанияси ёрдамида 11 рейсда 2316 нафар зиёратчилар Умра зиёратига бўлиб қайтдилар³. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Дин ишлари бўйича қўмита” ва унинг вилоятлардаги бўлимлари орқали Ўзбекистон Диния Бошқармасига бу борада катта ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистондан Саудия Арабистони қироллигига жўнаб кетадиган зиёратчилар аввалбошданок тегишли маълумотлар олади, Ҳаж, Умра қоидаларидан хабардор қилинадилар. Сафарда уларга тажрибали врач ва тиббиёт ходимлари ҳамкорлик қилади. Миллий таомларни тайёрлаб берувчи ошпазлар ҳам бирга борадилар. Ўзбекистон фуқаролари барча маиший шарт – шароитлар яратилган зиёрат

¹ Ўзбекистон овози: 1990 йил. 24 август (Хабарлар рукни)

² Алимова Д. Шадманова С. Из истории паломничества мусульман... // O`zbekiston tarixi. 2011. - № 1. – С. 60.

³ [http. WWW. regnum.ru / news / 1162979. ntml.](http://WWW.regnum.ru/news/1162979.html)

арконларини бажаришига яқин масофаларда жойлашган меҳмонхоналарда истиқомат қиладилар. Макка ва Мадина шаҳарларида Ўзбекистон ваколатхоналари мавжуд. Барча ташкилий масалаларни Саудия Арабистонида Жиддадаги Ўзбекистон бош элчихонаси ҳал қилади. Ҳаж ва Умра масалалари билан шуғулланувчи махсус “аташи” иш юритади. Дин ишлари бўйича Қўмита маълумотича 2009–2010 йилларида ўртача ҳар йили 5000 нафардан ўзбекистонликлар ҳаж зиёратига бориб қайтганлар. Бироқ, ҳаж зиёрати мақсадида йўлга чиққанлар: ҳажга бориб келишнинг “Ҳажу зиёрат” деб аталувчи асосий тури билан бирга “Ҳажу саёҳат”, “Ҳажу тижорат” каби йўналишларидаги турли мақсадларни ҳам кўзлайдилар.

Истиқлол туфайли асрлар давомида муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадина ҳажига эркин бориб келиш билан боғлиқ азалий халқимиз орзу – истаклари амалга ошди. Ҳар қандай сиёсий, моддий, маънавий тўсиқларсиз ҳаж арконидек муқаддас фарзни бажариш бахти бугунги авлодга насиб этди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2250 та диний ташкилот ва муассасалар, 18 та турли диний конфессиялар расмий рўйхатдан ўтказилган. Рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг 2042 таси, ёхуд 92 фоизи мусулмон ташкилотларидир. Мамлакатимизда диний ўқув юртлари ва 2000 дан ортиқ масжитлар фаолият кўрсатиб турибди. Юқоридаги далиллар мамлакатимизда мустақиллик туфайли эркин маънавий тараққиёт асослари таъминлаб берилганлигини тасдиқлайди. Шундай экан юртимизнинг осойишталиги ва тинчлиги, жамият аъзолари ҳамжиҳатлиги учун курашиш ҳар биримизнинг асосий бурчимиз бўлмоғи керак.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертациясида Ўрта Осиёда XIX – XX асрларда диний сиёсат ва мусулмонларнинг уч тарихий босқичда, яъни Россия империяси, совет ҳокимияти ва мустақиллик йилларидаги ҳаж зиёрати ҳақида қўлга киритишга муваффақ бўлинган манбалар ва адабиётлар орқали фикр юритилди. Мусулмонларнинг ҳаж сафари билан боғлиқ тарихий воқелиklar ва тўлқинсимон ўзгарувчан диний сиёсат таҳлили қуйидаги хулосаларга келишимиз учун асос бўлди.

1. Ўрта Осиё ҳудуди VII-VIII асрларда араблар томонидан истило қилинганидан сўнг араб тили ва араб ёзуви, шу асосда ислом эътиқоди маҳаллий аҳоли онги ва вужудига сингдирилди. Минтақа аҳолиси ислом дини ва эътиқодини қабул қилганидан сўнг, ушбу диндаги беш фарздан бири ҳисобланган, мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинага ҳаж зиёрати арконини бажариш анъанаси вужудга келди. Минтақада узоқ асрлар давомида ўтган сулолалар ва хонлиklar ҳукумронлиги даврида давлатлар бошқарувида ислом мафкураси ва фикр асосида иш юритилганлиги туфайли ҳаж зиёратини ихтиёр қилган мусулмон аҳолига ҳамма вақт йўллар очиқ бўлганди. Моддий имкониятга эга бўлган, соғлиғи йўл берадиган ҳар бир Ўрта Осиёлик мусулмонлар ҳаж зиёратида бўлиб қайтаришларига ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмаганди. Қолаверса, Ўрта Осиё хонлиklари билан Шарқ мамлакатлари, айниқса, Усмонийлар салтанати (Туркия) Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатлар ихтиёрида бўлган анъанавий савдо–сотик йўллари орқали Арабистон ярим ороли беклиklари билан ўзаро иқтисодий, маданий, диний алоқаларда бўлиш имкониятлари кенг эди. Асрлар давомида ҳаж зиёратида бўлган мусулмонлар муқаддас шаҳарлар ҳисобланган Макка ва Мадинада бўлиб қайтишган.

2. Туркистон минтақаси Россия империяси томонидан истило қилинганидан сўнг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон генерал –губернаторлиги даврида мустамлакачилар ҳаж зиёрати ва зиёратга отланган мусулмонларни империя

хукумати ўз назоратига олишга имкон қадар ҳаракат қилди. Улар ҳаж зиёрати омили туфайли ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар билан Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари кучайиши ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатларига ўзининг таъсирини кўрсатади, деб ҳисоблардилар. Шу амал туфайли ҳаж зиёрати билан боғлиқ Шарқ мамлакатлари йўлларининг, йўналишлари ва зиёратчилар шахсияти қатъий назорат остига олинди. Ҳатто, халқ кўзғолонлари миллий озодлик ҳаракатлари кучайган давр зиёратчиларнинг йўлга чиқиши расман тақиқлаб қўйилди. 1898 йилда Мадали Эшон (Дукчи Эшон) даврида кўзғолон бостирилди. Бу борада махсус айғоқчилик идоралари тузилди, уларга Ўрта Осиё миллати вакилларида мавқели, бой-бадавлат шахслар жалб этилди.

3. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида динга, диндорларга муносабат масаласида “юмшоқлик” сиёсати юритилди. Мусулмонларнинг ҳаж зиёрати ҳам қатъий назорат остига олинмади. Бундай йўл тутилишидан кўзланган мақсад, жамият кенг табақаларини ислом ва уламолар таъсирида бўлганлигини инобатга олиб халқ оммасини совет ҳокимияти томонга ағдариши эди. Шунингдек, РСФСР Халқ Комиссарилар Совет инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган қонунлар қабул қилган ҳамда Шарқ халқлари мусулмонларига махсус мурожаатлар билан чиққанлиги эди. Аслида бу вақтинчалик чора бўлиб, ушбу ҳужжатлар қоғозда қолиб кетди. 1920 – 1930- йилларда – “Худосизлик учун кураш” авж олдирилиб бу даврда мусулмон зиёратчиларга Арабистон сафари учун рухсат амалда берилмади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кескин сиёсий вазият ва оммани ўз томонига ағдариши учун совет ҳокимияти динга муносабатини ўзгартирди. Бундан кўзланган яна бир мақсад аҳоли барча табақаларини фашизмга қарши курашда яқдиликка даъват этиш эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, XX аср 50-йиллари даврида(1956 йилдан) даҳрийлик сиёсатининг янгидан жорийланиши туфайли бармоқ билан санарли кишиларга ҳаж зиёрати учун рухсат этиладиган бўлди. 1980–йилларда эса исломга, диндорларга, диний маросимларга нисбатан кураш жараёни кескин тус

олдирилди. Ҳаж зиёратида бўлиш имконига эга 10 нафардан 38 нафаргача бўлган кишилар совет махсус идоралари текширувидан ўтиб, қатъий назорати асосида ҳаж арконларини адо этиб ўз Ватанларига қайтардилар. Оз сонли мусулмонларга ҳаж зиёрати учун рухсат бериш ҳам дунё жамоатчилиги кўзи олдида СССРда виждон эркинлиги кафолатланганлигини кўрсатиш эди.

4. Мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мусулмон зиёратчиларнинг ҳаж зиёрати учун кенг йўл очилди. Ҳалқимиз ҳақиқий маънодаги виждон эркинлигига эга бўлди. Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити каби диний байрамлар дам олиш кунлари, деб элон қилинди. Масчит ва мадрасалар фаолиятига йўл берилди.

Мазкур диссертация юзасидан истиқболда илмий соҳада амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг бўлиб, улар қуйидагилар деб ҳисоблашга асослар бор.

1. XIX–XX асрларда Ўрта Осиёдаги маҳаллий матбуотда ва минтақа тарихига оид чоп этилган Европа тилидаги (рус, инглиз, француз, немис) матбуотда ҳаж зиёрати, мусулмон зиёратчиларга Россия империяси ҳукуматлари муносабати, зиёратчиларнинг сони, тарихий тақдирлари кабилар билан боғлиқ бой манбавий маълумотлар мавжуд. Уларни тўплаш, қиёсий ўрганиш ва илмий муомалага киритиш ўрганилган муаммони янада мукамал тадқиқотини таъминлайди.

2. Турли тарихий даврларда муқаддас ҳаж зиёратида бўлган Ўрта Осиё мусулмон зиёратчиларининг ёзиб қолдирилган хотиралари, йўл тармоқлари билани боғлиқ таассуротлари (айниқса, жадид мунавварларининг) Ўзбекистондаги ва хорижий мамлакатлардаги турли кутубхоналарда сақланади. Уларни излаб топиш, амалдаги имлога ўтириб, маҳаллий нашрларда чоп этириш ҳам истиқболдаги муҳим илмий вазифалардан биридир.

3. Маҳаллий тарихчилар томонидан диссертациямиз мавзусигага оид ёзилган мақола ва рисоалари хорижлик олимларининг китоблари ва

тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали тегишли хулосаларга келиш ҳам илмий натижалар берарди.

4. Ўрта Осиёда мусулмон муассаса ва ташкилотларнинг XIX–XX асрлардаги фаолияти динамикасини ва ҳаж зиёрати масалаларини, яхлит ҳолда тадқиқ қилишга қаратилган йирик монография характеридаги китобга ҳам эҳтиёж мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

5. Ўрта Осиё мусулмонларининг муқаддас ҳаж зиёрати тарихига қаратилган алоҳида интернет веб сайтини яратиш ҳам истиқболдаги вазифалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

I.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ; 1998. 32-б.

I.2 Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият; 2008. – 174 б.

I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.— Т.: Ўзбекистон; 2011. – 440 б.

I.4.Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омили. – Т.: Ўзбекистон; 2013. – 48 б.

II. Адабиётлар

II.1.Алимова Д.Шодмонова С. Из истории паломничества мусульман Центральной Азии в Мекку (конец XIX – начало XXI вв.) // O`zbekiston tarixi; 2011. - № 1. – С. 49 – 61.

II.2. Брауэр Даниэл. Маккага йўл // Турон (илмий- оммабоп тўплам) 1993 йил, май. – Б. 29 – 31.

II.3. Жамол Камол. Маккайи- Мукаррама, Мадинайи-Мунаввара. Тошкент: 1992. – 16б.

II.4. Мухаммедов Ш.Б. Государства и ислам в Туркестанском генерал – губернаторстве // БухДУ Илмий Ахбороти; 2012. № 3. – С. 46-49.

II.5. Маҳкамова Н. Ислам и власть (20–е- 30-егг. XX в) // Общественное мнение, права человека; 2006. II.- № 1, С. 146 – 149.

II.6. Маҳкамова Н. Роль мусульманского духавенства в социальной жизни Туркестанского края (конец XIX – начало XX века) // O`zbekiston tarixi; 2011. – № 1. – С. 15 – 23.

П.7. Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг дипломатик алоқалирига доир архив хужжатлари// Турон тарихи, ижтимоий- тарихий, илмий ва илмий – оммабоп тўплам.-2012.-№ 2-3.-Б.38-42

П.8. Нуруллохон Ҳожи Қўқондий. Муборак ҳаж сафари. Т.: Камалак;1991. – 142 б.

П.9. Одилов А. Совет ҳукумронлигининг дастлабки йилларидаги диний сиёсат тарихидан // ЎзМУ хабарлари. 2008. - № 2. Б. 62 – 63.

П.10. Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, - 2004.(форс-тожик тилидан т.ф.н.доц.Ҳ.Ҳ.Тўраев таржимаси) – 144 б.

П.11. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. – Т.: Шарқ; 1994. – 94 б.

П.12. Ҳайитов Ш; Жумаев А. Бухоро амирлигидан Истамбул ва муқаддас шаҳарларга вақф қилинган мулклар // Бух ДУ Илмий Ахбороти, 2005. №2. – Б. 47 – 50.

П.13. Ҳайитов Ш. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати даврида Туркистон мусулмонларининг ҳаж зиёрати.// Из истории культурного наследия Бухары, изд. Бухара. – 2006.- С. 89 – 95.

П.14. Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. Бухоро: “Бухоро” нашриёти; 2005. – 188 б.

П.15. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т.: “ABV MATBVOT KONSALT”; 2008. – 208 б.

П.16. Ҳайитов Ш. Орзиев М. Россия империяси ҳукуматининг мусулмон зиёратчиларга муносабати (Архив манбалари асосида)// БухДУ Илмий Ахбороти, 2012. - № 2. – Б. 34 – 38.

П.17. Ҳайитов Ш.А. Айматова З.Ғ. Бухороликларнинг хориждаги мулклари ва ворисийлик ҳуқуқи масаласига доир (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари) // БухДУ Илмий Ахбороти; 2012. - №3. – Б. 35 – 39.

П.18. Ҳожи Абдулғаффор Раззоқ Бухорий. Тариқатга йўлланма (Нақшбандия таълимоти асосида). Т: Мовароуннаҳр 2003. – 104 б.

III. Даврий матбуот

III.1. Возвращение полонников // Окраина. 1897. - №21. – С. 3.

III.2. Организация паломнического движения и грядущая опасность// Туркестанские ведомости; 1910. № 215.

III.3. Шумилов В Паломничество мусульман // Туркестанские ведомости. – 1913. - № 28. – С 2.

III.4. Эсиргап Боли ўғли Жўшкин. Ҳожилар// Халқ сўзи: 1990 йил 4 январь.

IV. Диссертацияларнинг авторефератлари

IV 1. Болтабоев С.Д. Вакуфное имущества в Туркестанском крае во второй половине. XIX и в начале XX века. Автореф. дисс... . канд. ист. наук. – Ташкент. 1995. – 28 стр.

IV 2. Салмонов А.М. Ўзбекистоннинг мусулмон диний муассасалари ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917 – 1950 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент; 2008. – 30 бет.

IV.3. Юсупов Р. Ўзбекистонда XX асрнинг 40 - 80- йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти. (МДА маълумотлари асосида) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент; 2008. – 31 б.

IV.4. Ҳайитов Ш.А. История узбекской эмиграции XX века. Автореф дисс....докт.ист.наук. – Тошкент; 2009. – 50 стр.

IV.5. Шадмонова С.Б. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах в периодической печати (1870-1917 гг.). Автореф. дисс....докт.ист.наук. – Ташкент. 2011. – 61 стр.

IV.6. Тогаева А.З. Железная дорога Ташкент-Оренбург и ее места в социально-экономической жизни Туркестана. Автореф. дисс....канд.ист.наук. – Т.: 2010. – 29 стр.

V.Чет элда чоп этилган адабиётлар

V.1. Grigoriev E. Russian Muslim Pilgrimages to Makkay in the Early Twentieth Century // Kingdom of Saudi Arabia in 100 years/ studies and Researches. Riyadh ; 2008. P.46 – 73.

V.2. [http: www: regnum.ru/news/ 1162979.html](http://www.regnum.ru/news/1162979.html).

VI. Архив манбалари

VI.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзРМДА) И-3-Фонд; 1-рўйхат, 215-иш, 111. 133-варақлар.

VI.2. ЎзРМДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1414-иш, 49-50-57-варақлар, 55-56-варақнинг орқа томони,

VI.3. ЎзРМДА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 55,56 варақнинг орқа томони.

VII.Интернет маълумотлари

VII.1. www.e.tarix.uz

VII.2. www.12.uz

VII.3. [http:www .trt .net.tr\](http://www.trt.net.tr)

VII.4. [http: www:regnum.ru.\[news\]1162979. html](http://www.regnum.ru/news/1162979.html).

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси

Президентининг Фармони

Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида.

1. СССР Президенти фармонини ижро этиш юзасидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Ўрта Осиё региониди истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июлида 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориши тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси (ўртоқ Рафиқов) ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиши ва олиб келишни таъминласин, ана шу мақсадлар учун Ил-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб уларни доимий истиқомат жойларига етказиб қўйишини ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги (ўртоқ Йўлдошев) рухсатномалар ва қайд этиши бўлими, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрлиги (ўртоқ Азимов), Ўзбекистон республика божхонаси (ўртоқ Тарасов) СССР министрлар совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилиши таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (ўртоқ Баҳромов) ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиши даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (ўртоқ Усмонов) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совғалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети (ўртоқ Шоабдурахимов) мусулмонлар диний бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин

уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилиши таъминлансин.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь.

2-илова

Макка ва Мадинада Бухоро амири Абдулаҳадхон томонидан ҳаж зиёратига борадиганлар учун иккита меҳмонхона (ётоқхона) қурилган. Мадина шаҳридаги ётоқхонанинг баҳоси 200.000 олтин сўм миқдорида бўлиб, амирлик даврида уни бошқариш Истамбулда туриб савдо-сотик қилувчи Мулла Сафар Бухорий (Кўлобий) қўлида бўлган. Ушбу ётоқхона Мадина шаҳрининг Баб-ул-Мажид кўчасида жойлашган.

(ЎЗРМДА, Р-48-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 82-варақ).

Мадина шаҳридаги Баб-ул-Мажид кўчасида бухоролик бой Хўжа Омон ўғлининг ўзи томонидан бошқариладиган баҳоси 80.000 олтин сўм миқдорида бўлган меҳмонхонаси ва вақф уйи бўлган. Макка шаҳридаги Мисфол кўчасида қозикалон Бадриддин Бухорийнинг 50.000 олтин сўм баҳоланган меҳмонхонаси бўлган.

(ЎЗРМДА, Р-48-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 83-84, 93-96-варақ).

1901-1903 йилларда Туркистон зиёратчилари Макка ва Мадинага юнон кемалари, “Элли”, “Термес”ларда ва турк кемаси “Абдул Қодир”да етиб олдилар. Зиёратчилар хизматида рус флотининг “Олег” кемаси ҳам юборилди.

(ЎЗРМДА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 215-иш, 169-варақ).

3-Илова

Жалолиддин Румий демишлар:

Ҳисси дунё – шу жаҳонга нарвон,

Ҳисси диний – осмонга нарвон...

Бас, инсон тўлақонли инсон бўлишлиги учун унда ҳисси диний-илоҳий абадият туйғуси ҳам бўлмоғи даркор. Тангри инсонни яратар экан, унинг зуваласини ана шу туйғуга қориб яратган. Шу туфайли у ғолиб, чексиз ва машаққатли умр йўлларида енгилишни билмайди...

Кейин дуога қўл очдик. Фарзандларимиз хешу-ақрабларимиз, ёру биродарларимизни дуо қилдик. Халқимиз, юртимизга истиқлолу, истиқбол сўраб, яратганга ёлвордик. Сафо ва Марва тоғларида етти карра чиқиб, зиёратнинг вожиб амалларидан яна бирини адо этдик. Ниҳоят, замзам булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичдик. Эмишки, Иброҳим Халилуллоҳнинг хотини Биби Ҳожар чақолоқ ўғли Исмоилга сув излаб, ана шу икки тоғ орасида зир югурган. Чанқаб, танглайи қақраган бола сабрсизлик билан оёғини ерга урган, шунда тошлар орасидан ана шу зилол чашма отилиб чиққан. Мана минг йиллардан бери у ҳамон шарқираб оқиб ётибди. Ҳар йили уч миллион зиёратчи келиб ана шу чашмадаги чанқоғини қондиради. Аммо, зам-зам умрига завол йўқ, у қуримабди, бетиним оқаверади. Икки тоғ орасидаги саъий ҳаракатларимиз, замзам булоғидан сув ичишларимиз – ўша айёмларнинг муқаддас ёди, ўша азизларнинг эзгу хотираси учун.

Эртаси куни Мино водийсида бўлдик. Бу ерда ҳожилар шайтонга тош отишади. Сўнг Арофат тоғига чиқдик. Маккадан 25 чақирим нарида жойлашган бу тоғни Жабалол Ваҳма, яъни Ваҳмаб тоғи ҳам дейишади. Бир ривоятда айтилишича Иброҳим халиллулоҳ ва унинг ўғли Исмоил Каъбатуллоҳни тиклаганда Арофатдан тош олишмаган. Шунда тоғ фарёд чеккан. Унинг фарёдига жавобан тангридан нидо келган: Эй Арофат, тинчлан. Каъба зиёратига келганлар сенинг ҳам зиёратингга келурлар. Билҳисса сенга ҳам раҳмат ёғилгай. **(Жамол Камол. Маккаи-Мукаррама Мадинаи-Мунаввара. – Тошкент – 1992 йил; 7-8 бетлар.)**

4-Илова

Ҳар йили Арафа куни ҳожилар Арофатга жўнаб, Маккаи-Муккаррамада одам сийракланганда Байтуллоҳнинг устига ёпилган қора бахмал-Каъбапўш янгиланар экан. Биз ҳараму шарифга тавофу ифоза қилиш учун қадам қўйганимизда, Байтуллоҳга кийгизилган янги Каъбапўш жилованиб, товланиб турарди. Унга сепилган муаттар, хуш бўйдан ҳаммамиз сархуш бўлдик.

Байтуллоҳдан ечиб олинган Каъбапўш эса бир бир парчадан тақсим қилинар экан. Минодан қайтган кунимиз Робитатул Исломияда хизмат қиладиган ҳамюртимиз, асли андижонлик бўлган Раҳматулло Туркистоний Каъбапўшдан бир парчасини табаррук деб менга бердилар.

Менинг ҳам муборак сафарга боришим аниқ бўлган кунларда Абдулҳаким Ҳожига (Саудия Арабистонилик ўзбек) оилам номига ҳажибадал қилишим ҳам мумкинлигини айтиб, бунинг тартиб- қоидаларини тушунтирган эдилар. Шу боис, уйдан чиқаётганимда сафар қоидасига мувофиқ, ҳажибадал қилиш учун ният қилган эдим. Маккаи Мукаррамага келиб тушган кунимиз Миён Фазл Мақсуд (Саудия Арабистонилик ўзбек) ўша ерлик ҳожилардан бирининг хонадонига мени бошлаб бордилар. Мен оилам номига ҳажибадал қилиш ниятида эканлигимни айтдим ва у кишига 850 риёл бердим. Шундан сўнг, ҳожи амаки тўрт кун мобайнида оилам номидан биз билан ҳаж арконларини адо этдилар. Маккага қайтиб келган кунимиз оиламнинг ҳам ҳожи она бўлганликларини тасдиқловчи, 2 та гувоҳ иштирокида муҳрланган васиқани ҳам олишга муваффақ бўлдим.

(Нуруллоҳон Абдуллаҳон Қўқондий. Муборак ҳаж сафари. – Т.: Камалак; 1991 – 90-91-бетлар).

